YURT TARAQQIYOTI YOʻLIDA BIRLASHAYLIK!

# Ishonch

2026-yil, 6-yanvar, seshanba

№2-3 (5223)

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Oʻzbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri



# 2026 йил 1 январдан

## мамлакатимизда нималар ўзгармоқда?

«Бизнесни 15 дақиқада бошлаш» тамойили жорий этилмоқда.





Якка тартибдаги тадбиркорларга фирма номига эга бўлишга рухсат берилади.

АҚШ фуқаролари учун Ўзбекистон ҳудудига кирган кундан бошлаб 30 кунлик визасиз режим жорий этилади.






Давлат бошқарувини рақамли трансформация қилишга қаратилган «Бюрократияни бартараф этиш – 2030» дастури ишга туширилади.

Мактаб директорлари ва уларнинг ўринбосарларига KPI натижаларига кўра базавий тариф ставкаларига нисбатан 20 ва 10 фоиз миқдорида ҳар ойлик устамалар белгиланади.






Камида 15 йил иш стажига эга тиббиёт ва фармацевтика ходимларининг фарзандларига бакалавриат контракт тўловининг 30 фоизи, бироқ БҲМнинг 15 бараваридан ошмаган қисми қоплаб берилади.

Ҳомиладорлик ва туғиш нафақаси Ижтимоий ҳимоя миллий агентлигининг Давлат ижтимоий суғурта жамғармаси орқали проактив тарзда, фуқаронинг мурожаатисиз тайинланади ва тўланади.



Мопед ва скутер ҳайдовчиларидан «права» сўралади.





Камбағал оилаларнинг «аъло» баҳоларга ўқийдиган фарзандларининг Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси тизимидаги оромгоҳларда дам олиши ва соғломлаштирилиши харажатлари Болаларни соғломлаштириш ва аҳоли саломатлигини тиклашга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўлиқ қоплаб берилади.

Фуқароларнинг ижтимоий ёрдам кўрсатиш бўйича мурожаати, маҳаллалардаги оилалар ва аҳоли маълумотларини юритиш ҳамда маҳаллаларда аҳоли билан ишлаш жараёнлари «Рақамли маҳалла» платформаси орқали амалга оширилади.



Саёҳат

# ҚИШКИ ТАЪТИЛ ХОРИЖДА











Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг хорижий давлатлар касаба уюшма ташкилотлари билан алоқалари ҳам йил сайин мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Россия мустақил касаба уюшмалари Федерацияси билан ҳамкорлик меморандуми имзоланган бўлиб, унинг доирасида ўтган йил ёз фаслида россиялик 100 нафар ўқувчи Тошкент вилояти ҳудудида жойлашган «Анор» болалар оромгоҳида соғломлаштирилган эди.

Айни кунларда эса ўзбекистонлик бир гуруҳ болалар халқаро маданий-маърифий дастур доирасида Москва шаҳрида бўлиб туришибди. Куни кеча ўзбекистонлик болалар тантанали кутиб олинди. Биринчи кунданоқ улар шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилишга улгурди.

– Бугун саёҳатимиз давомида кўрганларимиз – Москва манзаралари, тарихий обидалар, Кремль бизда ўзгача таассурот қолдирди, – дейди Раъно Абдусатторова.

Шу йилнинг 9 январига қадар давом этадиган сафар мобайнида болалар қишки таътилни мароқли ўтказишлари ҳамда дунёқарашларини кенгайтиришга хизмат қилувчи тадбирлар ва машғулотларда иштирок этишлари ҳам кўзда тутилган.

**Эъзоза УМРЗОҚОВА**
*«ISHONCH»*

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган

**1211**

рақамли «Ишонч телефони», яъни «Call-center»га

мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Муносабат

# ТАРАҚҚИЁТ ЙЎНАЛИШЛАРИ БЕЛГИЛАНГАН ДАСТУР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган навбатдаги Мурожаатномаси 2025 йилнинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий манзарасини холис ва очиқ-ойдин таҳлил этган муҳим ҳужжат бўлди.**

Давлатимиз раҳбари 2025 йилни «мураккаб йил» деб атаган ҳолда глобал беқарорлик, иқтисодий қарама-қаршиликлар ва хавфсизликка таҳдидлар кучайган шароитда Ўзбекистон ўз тараққиёт йўлидан ортга қайтмаганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз сўнгги тўққиз йил давомида мамлакат босиб ўтган катта тараққиёт йўлига тўхталар экан, иқтисодиётнинг янгидан шаклланганини, бозор муносабатлари мустаҳкамланганини, ижтимоий ҳимоя ва қонун устуворлиги таъминланганини қайд этди. Энг муҳими, ислоҳотлар самараси ҳар бир маҳалла ва ҳар бир хонадон ҳаётида сезилаётганини эътироф этди. Бу давлат сиёсати марказида инсон манфаатлари турганининг яққол исботидир.

Дунёда геосиёсий вазият кескинлашиб, ишлаб чиқариш ва логистика занжирлари издан чиқаётган бир пайтда Ўзбекистон иқтисодиётнинг барқарор ўсишини сақлаб қолиши алоҳида эътиборга молик. Давлат раҳбари келтирган рақамлар буни тасдиқлайди: ялпи ички маҳсулот илк бор 145 миллиард доллардан ошди, экспорт ҳажми 33,4 миллиард долларга етди, олтин-валюта захиралари 60 миллиард доллардан ошиб, мамлакат молиявий барқарорлигини таъминлаётган муҳим омилга айланди.

Мурожаатномада инвестиция сиёсатига ҳам алоҳида урғу берилди. 43 миллиард доллардан ортиқ хорижий инвестиция жалб этилгани, уларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этаётгани келгуси йилларда ҳам иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам замин яратаётганидан далолат беради.

Яна бир муҳим жиҳат аҳоли фаровонлигига қаратилган ислоҳотлар натижалари аниқ мисоллар билан очиб берилганидир. Электр энергияси ишлаб чиқариш ҳажми 85 миллиард киловатт-соатга етказилиши, ичимлик сув таъминоти кенгайиши, уй-жой қурилишидаги рекорд кўрсаткичлар инфратузилмани ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганини кўрсатади.

Айниқса, камбағалликни қисқартириш борасида эришилган натижалар жамиятда ижобий кайфият уйғотмоқда. Камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 5,8 фоизга туширилиши, 1,5 миллионга яқин аҳоли камбағалликдан чиқарилиши, 1 минг 435 та маҳалла илк бор «камбағалликдан чиқарилган» ҳудудлар сифатида эътироф этилиши ижтимоий ислоҳотларнинг амалий самарасини кўрсатади.

Мурожаатномадаги асосий ғоялардан бири қанчалик оғир бўлмасин, бошланган демократик ислоҳотлардан чекинмасликдир.

Хулоса қилиб айтганда, Мурожаатнома йил сарҳисобидан ташқари, келгуси тараққиёт йўналишларини белгилаб берган дастурий ҳужжат ҳамдир. Мураккаб глобал шароитда халқ манфаатларига таянган ҳолда ислоҳотларни давом эттиришга қаратилган бу сиёсат жамиятда ишонч ва эртанги кунга умидни мустаҳкамламоқда.

**Назира ТОҒАЕВА,**
*Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Навоий вилояти кенгаши раиси*

## Саҳифаларда

ИШЧИ-ХОДИМЛАР ҲИМОЯСИ УЧУН МУҲИМ ҲАМКОРЛИК ҲУЖЖАТИ




>>> 2-6-саҳифаларда ўқинг

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | facebook.com/ishonchofficial.uz | https://t.me/ishonchuz_official

**Нафъинг агар халқка бешакдурур**
**Билки, бу нафъ ўзунгга кўпракдурур.**
**Алишер Навоий**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ, ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ИШ БЕРУВЧИЛАРИ КОНФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ МАСАЛАЛАР БЎЙИЧА 2026–2028 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН БОШ ЖАМОА КЕЛИШУВИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2025 йил 17 октябрь куни касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан ўтказган учрашувида бошқа масалалар қаторида касаба уюшмалари фаолиятини янада ривожлантириш ва меҳнат муносабатларини яхшилаш бўйича галдаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди.

2026 йилдан меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини ҳам жалб қилиш таклиф этилди. Бу меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилашда ходимлар манфаатини кафолатли ҳимоя қилиш бўйича янгича ёндашув бўлади.

Глобаллашув ва рақамли тараққиёт шароитида меҳнат муносабатлари соҳасида янги шакллар, жумладан, масофавий ва платформали бандлик кенг оммалашмоқда. Бугун ушбу йўналишлар иқтисодий тараққиётимизнинг бир қисмига, уларда фаолият юритаётган одамлар эса меҳнат муносабатларининг тенг ҳуқуқли субъектига айланмоқда.

Шу боис, касаба уюшмалари билан биргаликда платформаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, хавфсизлигини суғурталаш бўйича асосланган таклифларни ишлаб чиқиш зарурлиги қайд этилди.

Хотин-қизларнинг фаол ижтимоий қатлам бўлиб шаклланишида касаба уюшмаларини етакчи кучга айлантириш учун бугун барча имкониятлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Президентимиз меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши ва ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этишга чақирди.

Ҳар йили меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш мақсадга мувофиқ экани таъкидланди.

Касаба уюшмалари яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатида иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда фаоллик кўрсатиши муҳим экани қайд этилди.

Масъул вазирликларга касаба уюшмалари билан бирга бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликларга чалиниш ҳолатлари ҳақидаги маълумотларни олишнинг ягона тизимини ишга тушириш ҳамда бундай ҳодисалар ҳисоботини юритиш, сабабларини таҳлил қилиш ва унга ечим топиш топширилди.

Тегишли тармоқларда меҳнат қилаётган ходимлар ҳуқуқларини ишончли таъминлайдиган ташаббусларни илгари суриш мақсадида вазирлик ва идоралар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиал органларининг қўшма йиғилишини доимий равишда ўтказиб борадиган тизимни йўлга қўйиш таклиф этилди.

Турли сабаблар билан ишсиз қолган, меҳнат жараёнида касаллик ёки ногиронликка чалинган одамларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш кафолатларини кучайтириш ҳам долзарб вазифадир.

Шу боис, тўғридан-тўғри амал қилувчи «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Қонун қабул қилинишини тезлаштириб, унда ижтимоий суғурта жамғармасини шакллантиришда иш берувчи ва ходимлар иштирокини аниқ белгилаш зарурлиги қайд этилди.

Учрашувда касаба уюшмалари фаоллари билан мулоқот ўтказилиб, уларнинг таклиф ва ташаббуслари тингланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг касаба уюшмалари фахрийлари ва фаоллари билан бўлиб ўтган учрашувида билдирилган фикрлар, таклифлар, берилган топшириқлар асосида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссияси томонидан 2026-2028 йиллар учун мўлжалланган Бош жамоа келишуви лойиҳаси ишлаб такомилига етказилди. Лойиҳа барча манфаатдор вазирлик, идоралар, иш берувчилар ташкилотлари билан келишилди ҳамда 2025 йил 1 ноябрь куни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг IX Қурултойи мажлисида тантанали равишда имзоланди.

Бош жамоа келишуви:

Ҳукумат номидан – Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Ниғматович Арипов;

аъзоларининг сони энг кўп бўлган республика касаба уюшмалари бирлашмаси номидан – Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси Қудратилла Мирсоатович Рафиқов;

иш берувчиларнинг республика бирлашмалари номидан – Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси Ижроия қўмитаси раиси Отабек Анварович Ашуровлар томонидан имзоланди.

Бош жамоа келишуви 2025 йил 6 ноябрь куни Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги томонидан 196 В рақам билан хабардор қилиш тартибида давлат рўйхатидан ўтказилди.

Мазкур келишув даставвал Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган топшириқларни, шунингдек, «Ўзбекистон–2030» Стратегиясида белгилаб берилган устувор вазифаларини бажаришда тарафларнинг фаол иштирокини таъминлашга йўналтирилгандир. Қуйида имзоланган Бош жамоа келишувининг энг асосий жиҳатлари келтирилган.

**I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида киритилган асосий меъёрлар**

**1.** Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириши муносабати билан маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш.

**2.** Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига даромадни 4 минг АҚШ долларига етказиш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.

**3.** Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 32 фоизга етказиш.

**4.** Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 млрд. АҚШ долларига етказиш ва 2,5 млн. юқори даромадли иш ўринларини яратиш.

**5.** Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш.

**6.** Жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғининг табақалаштирилган тизимига ўтиш.

**7.** Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали бир гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш.

**8.** Тенг рақобат шароитларини яратиш учун тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга кўмаклашиш, хусусан, саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларида.

**9.** Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларини маслаҳат овози ҳуқуқи билан жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги асосий устуворликлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳларни ишлаб чиқиш;

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.

**2.** Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш:

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон.

**3.** Қуйидагиларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини жалб қилишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳасига;

платформаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, хавфсизлигини суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасига;

Ўзбекистон Республикасининг «Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида»ги кодекси, «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги, «Хорижий таъсир остидаги шахслар тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларига;

миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган 95, 132, 148, 155, 156, 167, 175, 187-сонли конвенциялари талабларига мувофиқлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларига.

**4.** Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни қўмита билан келишиб олиш.

**5.** Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

**6.** Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

**7.** Давлат ва касаба уюшмаларининг инспекциялари тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

**8.** Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш.

**9.** Тарафларнинг 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш.

**III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш бобидаги асосий меъёрлар**

**1.** Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

**2.** Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум таркибида иш ҳақининг улуши оширилишига эришиш.

**3.** Меҳнат муносабатларини легаллаштириш ҳамда тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари воситасида тармоқнинг ёки ташкилотнинг ўз тариф сеткаларини ўрнатиш орқали ўртача иш ҳақи оширилишини таъминлаш.

**4.** 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

**5.** Ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва касаба уюшмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш.

**6.** Хотин-қизлар ва эркаклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш.

**7.** Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

**8.** Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласини ҳукумат даражасида мунтазам равишда кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда иш ҳақидан қарздорликни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш.

**9.** Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

**10.** Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

**IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш бўйича**

**1.** Норасмий секторда банд аҳоли улушини жами банд аҳоли (ташқи миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

**2.** Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

**3.** Халқаро меҳнат ташкилотининг услубияти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

4. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали ҳар йили камида 100 минг нафар ишга жойлаштиришга муҳтож шахсларни қамраб олиш.

**5.** Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда «Устоз-шогирд» тизимини рағбатлантириш.

**6.** Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизини иш жойини йўқотишдан ижтимоий суғурталаш билан қамраб олиш.

**7.** Миллий меҳнат статистикаси тизимини ва халқаро индикаторларни ҳисоблашни такомиллаштириш.

**8.** Мамлакат фуқароларининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини таъминлаш, шу жумладан, Ўзбекистонда рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш орқали.

**9.** «Яшил ишлаб чиқариш» тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**10.** Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида бўшатиб олинаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

**V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси йўналишида**

**1.** Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси Давлат дастурини қабул қилиш.

**2.** Бахтсиз ҳодисалар ҳисоботини юритиш, сабабларини таҳлил қилиш ва ечим топиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси қарорини қабул қилиш.

Бунда бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликларга чалиниш ҳолатларига оид маълумотларни олишнинг ягона тизимини ишга тушириш, сунъий интеллектни жорий этиб, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлашни назарда тутиш.

**3.** Тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли тармоқда меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича таклифларини Касаба уюшмалари Федерациясида умумлаштириб Вазирлар Маҳкамасига тақдим этиш.

Ҳукуматда ушбу таклифларни Касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари учрашувида муҳокама қилиш ҳамда чора-тадбирлар режасини тасдиқлаш.

**4.** Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

**5.** Онлайн платформали бандлик шароитида меҳнат муҳофазаси талабларини белгилаш бўйича Ҳукумат томонидан уч томонлама ҳамкорлар билан келишган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш.

**VI. Ижтимоий кафолатлар, ижтимоий ҳимоя йўналишидаги асосий бандлар**

**1.** Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

**3.** Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

**4.** Махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналарида ёш болали аёлларга муносиб иш ўринларини яратиш мақсадида уларнинг фарзандлари учун турли ижтимоий объектлар (боғча, спортзал, болаларга вақтинчалик қараб туриш каби хизматлар)ни барпо этиш.

**VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш йўналишида**

**1.** Ҳудудларда ҳар йили биттадан санаторий ва оромгоҳлар қуриш. Хусусан, Хоразм вилоятида 2026 йилда намунавий санаторий барпо этиб, «Хоразм» тажрибасини яратиш.

**2.** Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

**3.** Ҳар йили ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобиль АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда Ватан олдида хизматлари мавжуд шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

**4.** Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

**5.** Тошкент шаҳрида Касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ва вилоятлар марказларида тармоқ касаба уюшмалари томонидан касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш. Ҳар бир ҳудудда касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.

**6.** Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

**7.** Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

**VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар бобида**

**1.** «Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

**2.** Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

**3.** «Аёллар дафтари» орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшишни назарда тутиш.

**4.** 14 та тармоқ касаба уюшмалари бўйича тегишли соҳа ва тармоқларда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

**IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш йўналишида**

**1.** Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

**2.** Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини оширишга, тармоқ ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

**3.** Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

**4.** Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса, қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек, кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

**5.** Вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиал органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик қўшма дастур тасдиқлайдиган янги тизимни йўлга қўйиш

**6.** Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

**X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги**

**1.** Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур, деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта ушбу келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

Таъкидлаш жоизки, Бош жамоа келишуви меҳнат соҳасидаги ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати ҳисобланади, доиравий тусга эга бўлиб Ҳукумат, касаба уюшмалари Федерацияси ва иш берувчилар бирлашмалари ҳамкорлигининг асосий йўналишларини белгилаб беради. Келишув меъёрларининг катта қисми тармоқ ва ҳудудий жамоа келишувлари, шунингдек, жамоа шартномалари орқали амалга оширилиши лозим.

**Меҳнаткашларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш бўлими**

**Илова.** *Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йилларга мўлжалланган Бош жамоа келишуви.*

3-6 >>>

20___ йил «___» ____________да Тошкент шаҳрида тузилди.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири**
**А. Арипов**

**Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси**
**Қ. Рафиқов**

**Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси Ижроия қўмитаси раиси**
**О. Ашуров**



## Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2026-2028 йиллар учун

# БОШ ЖАМОА КЕЛИШУВИ



кистон Республикаси фуқароларини ва уларнинг оила аъзоларини қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-149-сонли қарорида белгилаб берилган вазифалар доирасида хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга оширaётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ва уларнинг оила аъзолари учун ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

71. Мамлакат фуқароларининг хорижга меҳнат миграциясига оммавий равишда кетишини олдини олиш учун шарт-шароитлар яратишга қаратилган давлат сиёсати амалга оширилишини, шу жумладан, Ўзбекистонда рақобатбардош иш ўринларини барпо этишга кўмаклашиш орқали таъминлаш.

72. «Яшил ишлаб чиқариш» тамойилларини жорий этиш жараёнида энергия тежамкорлиги технологияларига ўтишда иш ўринлари қисқартирилишига йўл қўймаслик чораларини кўриш.

73. Сунъий интеллект жорий этилиши натижасида иш ўринларини йўқотаётган ходимларни бошқа касбларга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш.

**V. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси**

Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасини



ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири деб ҳисоблаган ҳолда, Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

74. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тизимини жорий этиш, унинг фаолият кўрсатиши ва ривожланишини таъминлашда иштирок этиш.

75. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси давлат дастурини ишлаб чиқиш.

76. Бахтсиз ҳодисалар ҳисоботини юритиш, сабабларини таҳлил қилиш ва ечим топиш бўйича Ҳукумат ҳужжатини қабул қилиш.

Бунда бахтсиз ҳодиса ва касбга оид касалликларга чалиниш ҳолатларига оид маълумотларни олишнинг ягона тизимини ишга тушириш, сунъий интеллектни жорий этиб, бундай ҳолатларни тезкорлик билан аниқлашни назарда тутиш.

77. Тармоқ касаба уюшмаларининг тегишли тармоқда меҳнат муҳофазасини кучайтириш бўйича таклифларини Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида умумлаштириб, Ҳукуматга тақдим этиш.

Ҳукуматда ушбу таклифларни Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва тармоқ касаба уюшмалари раҳбарлари учрашувида муҳокама қилиш ҳамда чо-



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

рувчилар (уларнинг бирлашмалари) ўртасидаги тармоқ жамоа келишувларини тегишли йилнинг январь ойидан, корхона, ташкилот, муассасаларда жамоа шартномаларини эса тегишли йилнинг март ойидан кечиктирмай тузишни;

тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномаларини бажариш якунларини касаба уюшмалари ва иш берувчилар ташкилотларининг қўшма мажлисларида, шунингдек, меҳнат жамоаларининг умумий йиғилиш (конференция) ларида ҳар йили 1 апрелдан кечиктирмасдан кўриб чиқилишини.

131. Касаба уюшмаларининг қарорлар қабул қилиш жараёнидаги иштирокини таъминлаш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

Ҳукумат мажлисларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган масалалар кўриб чиқилаётганда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг ва Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерациясининг вакиллари таклиф этилишини;

касаба уюшмалари Республика кенгашлари раисларини республика ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмаларининг ҳайъатлари мажлисларида иштирок этишини;



минлаш, шу жумладан, импорт ўрнини босиш ва технологик суверенитетни таъминлаш соҳасидаги лойиҳаларни қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

3. Иқтисодиёт тармоқларида барқарор юқори ўсиш суръатларини таъминлаш орқали келгуси беш йилда аҳоли жон бошига даромадни 4 минг АҚШ долларига етказиш ҳамда «даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар» қаторига кириш учун замин яратиш.

4. Бюджет сиёсати инсон капиталининг ўсишини қўллаб-қувватлаш, фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, иқтисодий ва ижтимоий тенгсизликни камайтириш, Ўзбекистон иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни рағбатлантириш ва барқарор ўсиш суръатларини таъминлашга қаратилган бўлишини таъминлаш.

5. Миллий иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш ва ялпи ички маҳсулотда саноат улушини оширишга қаратилган саноат сиёсатини давом эттириб, саноатда ишлаб чиқариладиган технологик маҳсулотлар улушини 32 фоизга етказиш.

6. Саноатда қўшилган қиймат ҳажмини 45 млрд. АҚШ долларига етказиш ва 2,5 млн. юқори даромадли иш ўринла-



улушини жами банд аҳоли (ташқи миграцияга кетганлар бундан мустасно) сонига нисбатан 30 фоизгача қисқартириш.

55. Иқтисодиётнинг айрим тармоқлари хўжалик юритувчи субъектлари учун ходимлар сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг энг кам меъёрларини аниқлаш тартиби тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 2173, 2010 йил 28 декабрь) талаблари бажарилишини назоратга олиш.

56. Ўзини ўзи банд қилганларни ва якка тартибдаги тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, шу жумладан, мақсадли жамғармалардан олинган субсидиялар ва кредитлардан (ёки тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш бўйича бошқа чора-тадбирлардан) фойдаланиш самарадорлигини ҳамда улар яратган иш ўринлари самарадорлигини мониторинг қилиш.

57. Халқаро меҳнат ташкилотининг услубияти бўйича ҳисоблаб чиқилган умумий ишсизлик иқтисодий фаол аҳолининг 5 фоизидан ошмаслигини таъминлаш, ишсиз фуқароларни касбий тайёргарликдан ўтказиш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш.

58. Олий, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчилари, Ўзбекистон



белгиланган тартибда иш ўринларининг меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилиши;

дастлабки тарзда (ишга кираётганда) ва даврий (меҳнат фаолияти давомида) мажбурий тиббий кўриклар белгиланган тартибда ўтказилиши;

иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси ҳолати юзасидан кўзда тутилган мажбуриятларини бажаришини ўрганиш;

ходимларга қонунчилик ҳужжатларида белгиланган имтиёзлар ва компенсацияларни берилиши ҳамда уларга меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича йўлйўриқлар берилгани, меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича ўқувдан ва малака оширишдан ўтганлиги;

ходимлар белгиланган нормалар бўйича сут, даволаш-профилактика озиқ-овқати, газланган тузли сув, шахсий ҳимоя ҳамда гигиена воситалари билан таъминланиши, шунингдек, жамоавий ҳимоя воситалари қўлланилиши ҳолати;

ишлаб чиқариш объектлари ва ишлаб чиқариш воситаларини синаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш комиссиялари ишида ҳамда тиббий-ижтимоий



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ёшларни танлаб олган ҳолда кадрлар захирасини шакллантириш.

120. Жамоа шартномалари ва келишувларида қуйидагилар назарда тутилишини таъминлаш:

хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни таъминлаш мажбуриятларини ташкилотларнинг ва улар таркибий бўлинмаларининг ваколатли шахси зиммасига юклатиш;

ишга қабул қилиш ва хизмат бўйича кўтарилишда хотин-қизлар ва эркаклар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятларни яратиш;

хотин-қизлар ва эркаклар меҳнатига ҳақ тўлашда нотенгликка йўл қўймаслик.

121. Жамоа шартномалари ва келишувларида аёллар ва ёшларга имтиёзлар бериш, улар учун маънавий ва моддий қўллаб-қувватлаш чораларини қўллаш масалаларини назарда тутиш, шу жумладан:

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ҳомиладорлик ва туғиш таътиллари кунини узайтириш;

ёш болали аёлларга моддий ёрдам кўрсатиш ва қисқартирилган иш вақтини ўрнатиш;



кодексига шарҳларни ишлаб чиқиш;

иш берувчи ва ходим ўртасидаги низоларни судгача ҳал қилишда касаба уюшмаларининг яраштирувчи, муросага келтирувчи бўғин сифатидаги фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўриш.

21. Халқаро меҳнат ташкилотининг қуйидаги конвенцияларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш:

Ижтимоий таъминотнинг энг кам нормалари тўғрисидаги 102-сон;

Энг кам иш ҳақини ўрнатиш тўғрисидаги 131-сон;

Ҳамшираларнинг бандлиги ҳамда меҳнат ва турмуш шароитлари тўғрисидаги 149-сон;

Меҳнат статистикаси тўғрисидаги 160-сон;

Меҳнат гигиенаси хизматлари тўғрисидаги 161-сон;

Тадбиркор тўловга қобилиятсиз бўлган тақдирда меҳнаткашларнинг талабларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги 173-сон;

Оналикни муҳофаза қилиш тўғрисидаги 1952 йилги конвенцияни қайта кўриб чиқиш ҳақидаги 183-сон;

Қишлоқ хўжалигида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси тўғрисидаги 184-сон.



моа шартномалари ва келишувлари орқали амалга ошириш.

43. Меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг асосий ва қўшимча қисмлари ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа музокаралари натижасида ўрнатилишини таъминлаш.

44. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг тариф тизимидан тарифсиз тизимларига ўтишни тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ёки унинг бўлинмаси билан олдиндан келишиб олиниши ҳамда ходимларнинг энг муҳим самарадорлик кўрсаткичлари (KPI)ни баҳолашга бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти сайланма органи вакиллари жалб этилишини таъминлаш.

45. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда:

Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 743-сонли қарори билан тасдиқланган Ишларнинг айрим технологик турлари, ишлаб чиқаришлар ва иқтисодий фаолият турлари бўйича ишчиларнинг тариф ставкаларини оширишнинг тармоқ коэффициентларини қўллаш тартиби ва уларнинг миқдорлари тўғрисидаги низом талабларини;

кўчма ва қатнаш тусидаги ишлар учун устамалар белгиланадиган ходим-



**VI. Ижтимоий кафолатлар ва ҳимоя**

Ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш, муносиб ҳаёт учун меҳнат қилиш шарт-шароитларини яратиб бериш мақсадида Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

95. Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясида белгиланган вазифалар ўз вақтида ва тўлиқ бажарилишини назоратга олиш.

96. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кексалар ва ногиронларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 28 декабрдаги ПҚ-2705-сонли қарорини амалга оширишга ҳар томонлама кўмаклашиш.

97. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон–2030» стратегиясини амалга оширишга оид Давлат дастурлари бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

98. Ҳар бир маҳаллада ёлғиз кексалар, пенсионерлар, ногиронлиги бўлган

ра-тадбирлар режасини тасдиқлаш.

78. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги, Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерацияси ҳамда ишларни бехатар олиб бориш бўйича махсус ваколатли органлар билан ҳамкорликда меҳнат муҳофазаси ва гигиенаси, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар, касб касалликлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш ва таҳлил қилиш учун ягона электрон мониторинг тизимини жорий этиш.

79. Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатлари талабларидан келиб чиққан ҳолда иш берувчилар томонидан меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни доимий молиялаштириш.

80. Иш ўринларининг автоматлаштирилиши, меҳнат жараёнида сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида иш ўринлари йўқотилиши сабабли янги иш ўринларини хавфсиз меҳнат шароитларини яратган ҳолда ташкил этиш чораларини кўриш.

81. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссиялар таркибида тузиладиган меҳнат муҳофазаси



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

қилинишини таъминлаш.

66. Ёшлар, хотин-қизлар ва банд бўлмаган аҳоли ўртасида касбга йўналтириш механизмларини тарғиб қилиш бўйича самарали чора-тадбирларни, шу жумладан, касбга йўналтириш ва мартабани ривожлантириш марказларини ташкил этиш орқали, ишлаб чиқиш.

67. Меҳнат органлари томонидан кўрсатиладиган хизматлар тўғрисида аҳоли ва иш берувчиларнинг хабардорлигини ошириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари (ёшлар, аёллар, ногиронлар ва бошқалар)ни чекка ҳудудларда бўш иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш орқали ишга жойлаштириш.

68. Хизмат кўрсатиш моделини такомиллаштириш, меҳнат бозоридаги фаол сиёсатни бошқариш самарадорлигини ошириш, меҳнат органлари ходимлари меҳнати унумдорлигини баҳолаш механизмини ишлаб чиқиш орқали камбағалликни қисқартириш ва бандлик органлари салоҳиятини кучайтириш.

69. Миллий меҳнат статистикаси тизимини ва халқаро индикаторларни ҳисоблашни такомиллаштириш.

70. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган Ўзбе-



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (кейинги ўринларда – «Ҳукумат»), Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси (кейинги ўринларда – «Касаба уюшмалари») ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси (кейинги ўринларда – «Иш берувчилар») бундан буён матнда «Тарафлар» деб аталувчи ваколатли вакиллар тимсолида:

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва қонунчилик ҳужжатларига амал қилиб;

фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда Ўзбекистон манфаатлари устуворлигини эълон қилиб;

Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегияси ҳамда «Ўзбекистон – 2030» стратегиясига амал қилган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Миромонович Мирзиёевнинг 2025 йил 17 октябрда Ўзбекистон касаба уюшмалари фаоллари ва фахрийлари билан бўлиб ўтган учрашувида берилган топшириқларни ижрога қаратган ҳолда;

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган: иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ривожлантириш, иқтисодий салоҳиятни кенгайтириш бўйича чора-тадбирларни изчил амалга ошириш, тадбиркорлик субъектлари рақобат-



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ган муаммоларни ҳал этишда ҳамкорлик қилиш мажбуриятини олади.

140. Тарафлар мазкур келишувнинг амал қилиш даврида қуйидагиларни зарур деб ҳисоблайдилар:

а) ижтимоий-меҳнат муносабатларининг энг муҳим масалалари юзасидан Тарафларнинг манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилишдан олдин ўзаро маслаҳатлашувлар ўтказиш;

б) ҳар йили камида бир марта ушбу келишув бажарилишининг бориши ва якунларини муҳокама қилиб бориш;

в) ушбу келишув бажарилиши таъминланиб борилаётган тақдирда, иш ташлаш амалларидан воз кечиш.

141. Мазкур Келишувга имзо чеккан Тарафларнинг ҳар бири унга аввал олинган мажбуриятларнинг бажарилишига тўсқинлик қилмайдиган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифлар беришга ҳақлидир. Ушбу таклифлар Тарафларнинг ўзаро розилиги билан қабул қилиниши мумкин.

142. Мазкур Келишув бажарилиши устидан назоратни ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича республика уч томонлама комиссияси амалга оширади.



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

эксперт комиссияси мажлисларида мустақил эксперт сифатида иштирок этилиши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларни ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш натижадорлиги;

ишлаб чиқаришда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси талабларининг бузилиши ва бахтсиз ҳодисаларни яширганликда айбдор шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисида ваколатли органларга мурожаат қилиниши;

меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича ваколатли вакилларни сайлаш, ўқитиш ва уларнинг малакасини доимий равишда ошириб бориш ҳамда жамоа шартномалари ва келишувларини улар ўз фаолиятини самарали амалга ошириши учун қулай шароитларни яратиш мажбуриятининг киритилиши.

85. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни халқаро стандартларга мувофиқ ишлаб чиқиш ва жорий этиш дастурини тасдиқлаш, уни ўз



қоидаларини ишлаб чиқиш.

**IV. Меҳнат бозорини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлашга кўмаклашиш**

Меҳнат бозорининг самарали фаолият юритишини таъминлаш ҳамда аҳолини иш билан таъминланганлик даражасининг юксалтирилишини ўз мақсади деб эътироф этган ҳолда Тарафлар янги иш ўринларини яратиш, кадрлар салоҳиятини сақлаб қолиш ва ривожлантириш борасида кучларни бирлаштириш зарур, деб ҳисоблайдилар ва қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

53. Бандлик йўналишлари, тармоқлар ва ҳудудлар кесимида аҳоли бандлиги йиллик дастурларини ижтимоий шериклар иштирокида ишлаб чиқиш ва бажариш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминлаб бориш. Бунда барқарор иш ҳақини ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминловчи доимий иш ўринлари, айниқса, қишлоқ жойларида яратилишига, иш ўринларини ташкил этаётган иш берувчиларни янада рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратиш.

54. Норасмий секторда банд аҳоли



рини яратиш.

7. Иқтисодиётни электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда «Яшил иқтисодиёт» технологияларини барча соҳаларга фаол жорий этиш, иқтисодиётнинг энергия самарадорлигини 2 баробарга ошириш.

8. Рақамли иқтисодиётни асосий «драйвер» соҳага айлантириб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2,2 фоизга етказиш.

9. Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибадорлигини ошириш.

10. Тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш.

11. Жисмоний шахсларга солинадиган даромад солиғининг табақалаштирилган тизимига ўтиш.

12. Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали 1 гектардан олинадиган ўртача даромадни 5 минг АҚШ долларига етказиш.

13. Сув ресурсларини бошқариш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва сувни иқтисод қилиш бўйича алоҳида давлат дастурини амалга ошириш.

14. Ҳудудларнинг муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма



қўйилган тартибда тузилишига ва фаолият юритишига тўсқинлик қилинишига йўл қўймаслик.

127. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика ва ҳудудий уч томонлама комиссияларнинг роли ва самарадорлигини ошириш, тармоқ ва бошланғич даражадаги ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича комиссиялар тузилишига кўмаклашиш.

128. Хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналар, шунингдек, пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари (кластерлар) иш берувчиларига касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан тавсиялар бериш.

129. Норасмий тарзда банд бўлган (айниқса, қурилиш, транспорт, савдо, умумий овқатланиш, фермер хўжаликлари ва бошқа соҳаларда), шунингдек, кунлик ишчилар ҳамда ўзини ўзи банд қилган фуқароларни касаба уюшмаларига жалб қилиш чораларини кўриш.

130. Ягона музокара жараёнини татбиқ этиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этиш:

барча жамоа шартномалари ва келишувлари лойиҳаларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказишни;

тегишли касаба уюшмалари ва иш бе-



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

шахслар, имконияти чекланган болаларни тарбиялаётган, кам таъминланган ҳамда кўп болали оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш учун ҳар йили «Наврўз» ва «Мустақиллик» байрамлари арафасида мақсадли умумхалқ хайрия ҳашарларини ўтказиш.

99. Жамоа келишувлари ва шартномалари орқали кам таъминланган оилаларга, кўп болали оилаларга, уруш ва меҳнат фахрийларига доимий равишда моддий ёрдам кўрсатиб бориш.

100. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси ва Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси томонидан ёлғиз кексаларга, шунингдек, «Саховат» ва «Мурувват» уйларига моддий кўмак чораларини қўллаш.

101. Давлат ижтимоий ёрдамларини, субсидиялар ёки имтиёзли кредитларни олувчи шахслар билан ижтимоий контрактлар тузилишини таъминлаш.

102. Ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказларида истиқомат қилувчи кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларни ҳар йили бир марта Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси маблағлари ҳисобидан санаторийларда бепул соғломлаштириш.

103. Нотинч ва кам таъминланган



нинг улуши оширилишига эришиш.

39. Меҳнат муносабатларини легаллаштириш ҳамда тармоқ жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари воситасида хўжалик ҳисобидаги тармоқ ва ташкилотларнинг ўз тариф сеткаларини ўрнатиш орқали ўртача иш ҳақи оширилишини таъминлаш.

40. 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифалар доирасида йиллик инфляция даражасини 5 фоиздан ҳамда фискал тақчилликни 3 фоиздан ошмаслигини таъминлаб бориш, иқтисодиётнинг юқори ўсиш суръатларини сақлаб қолиш, макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш бўйича амалий чораларини доимий равишда кўриб бориш.

41. Ҳукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва касаба уюшмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш.

42. Хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашни ташкил этиш учун асос сифатида Ягона тариф сеткасининг оширилган тариф коэффициентларини белгилашни жа-



22. Қуйидагиларга доир таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш:

меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига оид қонунчилик ҳужжатлари лойиҳасини ишлаб чиқишга Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама республика комиссиясини жалб қилинишини назарда тутувчи қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича лойиҳа;

платформаларда фаолият юритаётган фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва меҳнат муҳофазасини таъминлаш, уларнинг ҳаёти, хавфсизлигини суғурталаш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

Ўзбекистон Республикасининг Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисидаги кодекси, «Давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги, «Мажбурий тиббий суғурта тўғрисида»ги, «Хорижий таъсир остидаги шахслар тўғрисида»ги қонунлари лойиҳалари;

«тирикчилик учун зарур энг кам миқдор» тушунчасини қонуний тартибга солиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳаси;

миллий қонунчилик ва амалиётни Халқаро меҳнат ташкилотининг ратификация қилинган 95, 132, 148, 155, 156,



ҳужжатларни хатловдан ўтказиш ва Халқаро меҳнат ташкилоти конвенцияларига ва Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқлиги нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиш ҳамда уларга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар бериш.

119. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус»и бўйича дастурларидан келиб чиқиб ёшлар ва хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, шу жумладан:

ишлаётган ёшлар фаолиятидаги, олий ва касб-ҳунар таълими муассасалари талабаларида салбий ҳолатларни, жумладан, эртанги кунга ишонч сўнишининг олдини олиш, иш ҳақи, меҳнат шароитларидан миннатдорлик ҳиссини уйғотиш мақсадида ёшлар ўртасида маданий-маърифий, жисмоний тарбия ва спорт тадбирларини амалга ошириш;

ёшларнинг хорижий тил, компьютер саводхонлиги ҳамда замонавий билимларни мукаммал эгаллашларига турли хил ўқувлар ўтказиш орқали кўмаклашиш, улар орасидан салоҳиятли

Келишув Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида амал қилади.

136. Тарафлар мазкур келишувни ижтимоий-иқтисодий масалалар хусусида келишиб сиёсат олиб боришнинг умумий принципларини белгилаб берувчи ижтимоий шерикликнинг асосий ҳужжати деб эътироф этадилар ҳамда мазкур келишувга амал қилиш, унинг барча шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммаларига оладилар.

137. Мазкур келишув имзолангандан сўнг Тарафлар келишувда белгиланган вазифаларнинг тўлиқ амалга оширилишини таъминлаш мақсадида Ҳукумат барча республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларига ижро учун юборилишини, улар томонидан зарур чора-тадбирлар белгиланишини таъминлайди.

138. Мазкур келишувнинг меъёрий ҳолатлари тармоқ, ҳудудий келишувларга ва жамоа шартномаларига киритиш орқали амалга оширилиши лозим.

139. Мазкур Келишувга имзо чеккан ҳар бир Тараф унинг мақсадлари рўёбга чиқарилиши учун ўз ваколатлари доирасида масъулиятни тан олади ва юзага келиши мумкин бўл-

46

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

бардошлиги ва фаолияти самарадорлигини кучайтириш асосида аҳоли турмуш даражасини кўтариш вазифаси сўзсиз бажарилиши лозимлигини тасдиқлаб;

давлат, иш берувчилар ва ходимларнинг ижтимоий масъулияти ва улар ўртасидаги ижтимоий ҳамкорлик муҳимлигини эътироф этган ҳолда;

ходимлар ва иш берувчиларнинг ҳуқуқлари ва ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, аҳоли ҳаёт даражасини муттасил ошириб бориш, жамиятда ижтимоий тотувлик ва барқарорликни сақлаш борасида самарали саъй-ҳаракатларни кучайтириш мақсадида ижтимоий шериклик тамойилини амалга ошириб бориб;

Ўзбекистон Республикасида келишилган ҳолда ижтимоий-иқтисодий сиёсат олиб боришнинг асосий йўналишларини белгилаб берувчи мазкур Бош жамоа келишувини (бундан буён «Келишув») туздилар ва ўз зиммаларига қуйидаги йўналишлар бўйича мажбуриятларни олдилар.

**I. Иқтисодиётни, маҳаллий ишлаб чиқаришни ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-

3

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

қонуний ҳуқуқларига риоя этилиши, уларни қайта ўқитиш, малакасини ошириш ва ишга жойлаштиришга кўмаклашиш.

62. Ишлаб чиқариш корхоналарида малакали кадрларга эҳтиёж юқорилигини инобатга олган ҳолда долзарб касблар (пайвандчи, электромонтёр, турли дастгоҳларни ишлатиш бўйича мутахассислар, хизмат кўрсатиш соҳасидаги мутахассислар ва ҳ.к.)га тайёрлаш бўйича қисқа муддатли инновацион ўқув курслар тармоғини кенгайтириш ва улар орқали ҳар йили камида ишга жойлаштиришга муҳтож 100 минг нафар шахсларни қамраб олиш.

63. Касбий таълим олишнинг дуал шаклини жорий этиш ва ишлаб чиқаришда «Устоз-шогирд» тизимини рағбатлантириш.

64. Норасмий секторда банд бўлганларнинг камида 10 фоизининг иш жойини йўқотишдан ижтимоий суғурталаш билан қамраб олиш.

65. Ёшлар, аёллар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари учун инклюзив ва адолатли иқтисодий ўсиш натижасида яратилган бандлик ва муносиб меҳнат имкониятлари тўғрисида аҳоли ўз вақтида ва холисона хабардор

22

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

ва хавфсизлиги бўйича ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкилотларда меҳнат шароитларини яхшилашга ва хавфсизлигини таъминлашга йўналтириш.

82. Ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланишларини олдини олиш, шунингдек, уларнинг пайдо бўлиш сабабларини бартараф этиш ишларини амалга оширишга эътибор қаратиш ва жамоатчилик назоратини тизимли йўлга қўйиш.

83. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалалари бўйича техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда тармоқ ва ҳудудий келишувлар, жамоа шартномаларида кўзда тутилган, ходимларга яратилган меҳнат шароитлари, саноат ва экологик хавфсизлик ҳолатини давлат назорат органлари билан ҳамкорликда ўрганишни амалда кенг қўллаш.

84. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясининг ваколати доирасида давлат ва жамоатчилик назоратини амалга оширишда қуйидагиларга эътибор қаратиш:

касб касалликлари рўйхатини шакл-

27

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

шароитларини яратиш бўйича амалий чораларни белгилаш.

124. «Аёллар дафтари» орқали ёрдам кўрсатиладиган аёллар тоифаларига уй-жой ва яшаш шароитини яхшилашга, тиббий ва психологик ёрдамга муҳтож, тазйиқ ва зўравонликка учраган ҳамда ҳуқуқий ёрдамга муҳтож аёлларни ҳам қўшишни назарда тутиш.

125. 14 та тармоқ касаба уюшмалари бўйича тегишли соҳа ва тармоқларда гендер тенгликни таъминлаш ҳолатини таҳлил қилиш ва гендер тенгликни таъминлаш бўйича манзилли стратегияларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.

**IX. Ижтимоий мулоқот ва ижтимоий шерикликни ривожлантириш**

Тарафлар, ижтимоий-меҳнат муносабатлари соҳасидаги муаммоларни маърифий йўл билан ҳал этиш услуби ҳисобланган ижтимоий мулоқот ғоясига содиқлигини эълон қилиб, ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

126. Касаба уюшмалари ва иш берувчилар бирлашмаларининг қонуний ҳуқуқларига риоя этиш, уларнинг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб

42

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

тизимини ҳамда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш.

15. Барча транспорт турларини узвий боғлаган ҳолда ягона транспорт тизимини ривожлантириш, йирик шаҳарлар ўртасида кунлик транспорт қатновлари асосида манзилга етиб бориш ва қайтиб келиш имкониятини ривожлантириш.

16. Тенг рақобат шароитларини яратиш мақсадида саноат, савдо, қурилиш, фармацевтика ва транспорт соҳаларидаги ноқонуний тадбиркорлик фаолиятини соядан чиқаришга кўмаклашиш.

17. Давлат харидлари бўйича тендер комиссиялари ишига тегишли касаба уюшмалари ташкилотлари вакилларини маслаҳат овози ҳуқуқи билан жалб қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**II. Норма ижодкорлиги ишларида иштирок этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш**

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш ва ҳуқуқий ҳимоя механизмларидан самарали фойдаланиш йўли билан ходимларнинг меҳнат, ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва манфаатларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида, Тарафлар қуйидагиларни ўз зим-

7

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

тирилган кун учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ўша вақтда амалда бўлган қайта молиялаштириш ставкасидан келиб чиққан ҳолда фоизлар (пулли компенсация) билан бирга тўланишини давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекциялари томонидан назоратга олиш.

49. Иш ҳақини ўз вақтида тўлаш масаласини ҳукумат даражасида мунтазам равишда кўриб чиқиш ва зарур ҳолларда иш ҳақидан қарздорликни тўлиқ бартараф этиш чораларини кўриш.

50. Иш берувчиларга ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда касаба уюшмаси қўмитаси раиси вазифасини бажарувчи ходимга унинг ойлик (лавозим) маошининг (ишбай ҳақ тўланадиган ходимнинг эса ўртача ойлик иш ҳақининг) камида 20 фоиз миқдорида қўшимча ҳақ тўлашни тавсия этиш.

51. Касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат малака даражасини ҳамда меҳнат шароитларини ҳисобга олган ҳолда иш ҳақи тўланилиши устидан тизимли жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

52. Илғор халқаро тажриба асосида меҳнатни меъёрлаштириш ва унга ҳақ тўлаш соҳасида меҳнат нормалари ва

18

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

вақтида ва сифатли амалга ошириш бўйича ишлар мувофиқлаштирилишини таъминлаш.

86. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси масалаларининг муҳим ўрин тутиши ҳақида жамоат фикрини шакллантириш бўйича оммавий ахборот воситалари орқали кенг тушунтириш ишларини олиб бориш.

87. Касаба уюшмалари тизимида меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича жамоатчилик назоратини ташкил этиш юзасидан уч томонлама ҳамкорларни жалб этган ҳолда республика кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш.

88. Банд бўлган аҳолининг меҳнатини муҳофаза қилиш ишларини янада такомиллаштириш мақсадида қишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилишда, алоқада, ташиш, сақлаш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида меҳнат муҳофазасига оид талаб ва меъёрлар стандартларини ишлаб чиқиш.

89. Ҳар йили 28 апрель – Бутунжаҳон меҳнатни муҳофаза қилиш кунига бағишлаб ҳафталик ташкил этиш ва барча ташкилотларда нишонланишини ташкил этиш.

90. Ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча ташкилотларда Халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбеки-

31

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

115. Тошкент шаҳрида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан ва вилоятлар марказларида тармоқ касаба уюшмалари томонидан касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш. Ҳар бир ҳудудда касаба уюшмалари боғларини ташкил этиш мақсадида белгиланган тартибда ер майдонларини ажратиш.

116. Корхона ва ташкилотларда касаба уюшмалари ташаббуслари билан ишхона ва маҳаллаларда яшил ҳудудларни кенгайтириш ҳамда тозалик ва ободончилик ишларини ташкил қилиш.

117. Корхона ва ташкилотлардаги касаба уюшмалари жамоалари ўртасида «Экологик фаол касаба уюшмаси жамоаси» танлови ўтказиш ва ғолибларни рағбатлантириш.

**VIII. Аёллар ва ёшлар учун қўшимча кафолатлар**

Тарафлар аёллар ва ёшлар учун Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларга риоя этишни ва имтиёзлар беришни ўз зиммасига олган ҳолда қуйидагиларни зарур, деб ҳисоблайдилар:

118. Аёллар ва ёшларга қўшимча имтиёзлар берилишини назарда тутувчи идоравий норматив-ҳуқуқий

38

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

167, 175, 187-сонли конвенцияларини талабларига мувофиқлаштириш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари.

23. Меҳнат бозорини тартибга солиш соҳасида қонун билан ўрнатилган тартиб устидан назорат самарадорлигини, шу жумладан, касаба уюшмалари инспекцияларининг иштирокини кенгайтириш йўли билан ошириш.

24. Ижтимоий тармоқлардаги саҳифалар ва ишонч телефонлари тармоғини кенгайтириш, сайёр қабуллари жорий этиш орқали ижтимоий-меҳнат масалалари юзасидан аҳоли билан қайта алоқа механизми каналларини янада кўпайтириш.

25. Меҳнат қонунчилиги бузилишининг олдини олиш борасида касаба уюшмаларининг барча вазирлик ва идоралар ҳамда Ўзбекистон иш берувчилари Конфедерацияси билан тизимли ҳамкорлигини таъминлаш.

26. Касаба уюшмаларининг меҳнат қонунчилиги талаблари бузилган ҳолатлар бўйича киритган кўрсатмаларини иш берувчилар (уларнинг бирлашмалари) кўриб чиқмаганда ёки ундаги талабларни бажаришни асоссиз рад этганда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги Давлат меҳнат инспекциясига

11

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

сини ишлаб чиқиш.

36. Тарафларнинг 5 нафардан иборат вакиллари таркибида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги ҳуқуқий ҳужжатларни амалиётда қўллаш бўйича юзага келадиган муаммоли масалалар бўйича маслаҳат кенгашини тузиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**III. Меҳнатга ҳақ тўлаш, даромадлар ва аҳолининг турмуш даражаси**

Тарафлар келгуси даврда аҳоли даромадлари ва турмуш даражасини оғишмай юксалтириб боришни, республика фуқароларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар мажмуи амалга оширилиши зарур деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда Тарафлар қуйидагиларни ўз зиммаларига оладилар:

37. Мазкур Келишувнинг амал қилиш даврида меҳнаткашларнинг реал иш ҳақи ва даромадларини оширишга, ялпи ички маҳсулот таркибида меҳнат ҳақи улушини 30 фоиздан кам бўлмаган миқдорда сақлаб туришга доир чоралар кўриш.

38. Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни сотишдан олинган соф тушум таркибида иш ҳақи-

14

БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

оилаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида «Оилавий саёҳат» туристик пакетларни жорий этиш.

104. Махсус иқтисодий зоналар ва саноат зоналарида ёш болали аёлларга муносиб иш ўринларини яратиш мақсадида уларнинг фарзандлари учун турли ижтимоий объектлар (боғча, спортзал, болаларга вақтинчалик қараб туриш хизматлари кабилар) барпо этиш.

105. Фавқулодда ҳолатлар юзага келган тақдирда аҳоли учун Халқаро меҳнат ташкилотининг «Тинчликни ва қарши ҳаракат салоҳиятини таъминлаш мақсадида бандлик ва муносиб меҳнат тўғрисида»ги 205-сонли тавсияси асосида ижтимоий ҳимоя чораларини кўриш.

**VII. Маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш**

Тарафлар ўз зиммаларига қуйидаги мажбуриятларни оладилар:

106. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари фойдали ҳамда мазмунли хордиқ чиқаришларини ташкил этиш мақсадида маънавий-маърифий, маданий-

35

# ҲУЖЖАТ

лантиришда тегишли тармоқ касаба уюшмалари билан келишиб олиниши;

ташкилот раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслардан меҳнат шароитлари ва хавфсизлиги, шунингдек, ишлаб чиқариш билан боғлиқ барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари тўғрисида тўлиқ ахборот олиниши;

корхона, ташкилот ва муассасаларда меҳнат хавфсизлиги ва гигиенаси бўйича тадбирларнинг молиялаштирилиши;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан давлат томонидан мажбурий ижтимоий суғурта қилинишини, шунингдек, иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тизимини таъминланиши;

иш ўринларида меҳнат шароитларининг ҳолати, айниқса, зарарли ишлаб чиқариш омиллари ва хавфли ишлаб чиқариш омиллари юзасидан назорат амалга оширилиши;

ходимларга имтиёзлар ва компенсациялар белгиланадиган, имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқи бериладиган, ногиронлиги бўлган шахслар банд бўлган зарарли, хавфли ва бошқача меҳнат шароитларига эга иш ўринларида қонунчилик ҳужжатларида



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

Республикаси Қуролли Кучлари сафидан муддатли ҳарбий хизматдан қайтган шахслар, ёшлар, вояга етмаган фарзандлари бор аёллар, ногиронлиги бўлган шахслар ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларининг бошқа тоифаларини ишга жойлаштирилишига ҳар томонлама кўмаклашиш.

59. Меҳнат бозорини таҳлил қилиш асосида меҳнат бозорида талаб юқори бўлган касблар бўйича мутахассислар тайёрлашни, таълим муассасалари битирувчиларини мутахассислиги бўйича ишга жойлаштирилиши ва иш ўринларида қўнимлилиги таъминланиши учун иш берувчиларни рағбатлантириш механизмларини жорий этиш.

60. Ижтимоий шериклар томонидан бандликнинг беқарор турларида банд фуқаролар ҳуқуқлари таъминланишига, хусусий бандлик агентликлари фаолияти устидан давлат ва жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга, касаба уюшмаларининг ҳамда Ўзбекистон иш берувчилар Конфедерациясининг вакиллари ҳокимликлар ҳузуридаги тегишли ишчи комиссиялар таркибига жалб этилишига кўмаклашиш.

61. Юридик шахсларнинг тугатилиши ва қайта ташкил этилиши натижасида иш жойидан бўшатилган ходимларнинг



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

сонли Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш борасида белгилаб берилган чора-тадбирлар ўз вақтида ва сўзсиз бажарилишига ҳар томонлама кўмаклашиш мақсадида Тарафлар келгуси даврда қуйидагиларни ўта муҳим деб ҳисоблайдилар:

1. Мамлакатимизни Жаҳон савдо ташкилоти аъзолигига кириши муносабати билан иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш, саноатни ва ташқи савдони диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, тайёр маҳсулот экспортини рағбатлантириш билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш чораларини жорий этиш ҳисобига миллий иқтисодиёт рақобатбардошлиги ва барқарорлигини оширишга доир ишларни ҳамкорликда олиб бориш.

2. Иқтисодиётда хусусий мулк улушини ошириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, фаолиятнинг барча соҳаларида давлат иштирокини камайтириш бўйича ислоҳотларни янада чуқурлаштириш.

Бунда иқтисодиётнинг реал секторидаги маҳаллий корхоналар ва инновацион корхоналар учун қулай кредитлашни таъ-



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти раҳбарини корхонанинг бошқарув органларига киритилишини.

132. Вазирлик, идоралар ва ҳокимликлар ҳамда тармоқ касаба уюшмалари коллегиал органларининг қўшма йиғилишини ўтказиб борадиган ва йиллик қўшма дастур тасдиқланадиган янги тизимни йўлга қўйиш.

133. Долзарб ижтимоий-иқтисодий масалаларни муҳокама қилиш учун касаба уюшмалари фаоллари ва иш берувчиларнинг Ҳукумат, вазирликлар, идоралар вакиллари билан жамоатчилик эшитувларини ташкил этиб бориш.

134. Ходимларнинг ёзма аризалари мавжуд бўлганда касаба уюшмасининг тегишли ҳисобварағига ходимларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинган касаба уюшмасига аъзолик бадалларини ўз вақтида ўтказилишини таъминлаш.

### X. Келишувнинг амал қилиши, уни амалга ошириш механизми ва бажарилиши учун тарафларнинг жавобгарлиги

135. Мазкур келишув 2026 – 2028 йиллар учун тузилган бўлиб, навбатдагиси қабул қилингунга қадар амалда бўлади.



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

стон Республикаси томонидан ратификация қилинган меҳнат муҳофазасига оид конвенциялари талаблари бажарилиши устидан мониторинг олиб бориш.

91. 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги миллий мақсад ва вазифаларни амалга ошириш ишларида иштирок этиш, муносиб меҳнат мақсадига етишда соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитларига эришилиши учун тизимли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш.

92. Республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари ва хўжалик бирлашмалари томонидан ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни олдини олиш юзасидан чора-тадбирлар ишлаб чиқилиши ва ижро этилиши бўйича жамоатчилик назоратини олиб бориш.

93. Меҳнат хавфсизлиги ва гигиенасига оид хорижий тажрибани ўрганиш, малака ошириш учун ривожланган давлатларга хизмат сафарларини ҳамда тизимли ишларни ташкил қилиш.

94. Онлайн платформали бандлик шароитида меҳнат муҳофазаси талабларини белгилаш бўйича Ҳукумат томонидан уч томонлама ҳамкорлар билан келишган ҳолда норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиш.



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

лар касблари ва лавозимлари рўйхати, шунингдек, устамалар миқдори иш берувчилар томонидан касаба уюшмаси қўмитаси билан келишган ҳолда белгиланишини ва жамоа шартномасида кўрсатилишини;

Автомобиль транспорти ҳайдовчилари меҳнатига ҳақ тўлашнинг умумий шартлари тўғрисидаги низом (рўйхат рақами 3130, 2019 йил 23 январь) талабларини татбиқ қилиш бўйича тавсиялар бериш.

46. Хотин-қизлар ва эркаклар иш ҳақи ўртасида гендерга асосланган фарқли ҳолатларни ўрганиш ва бундай ҳолатлар аниқланганда, уларни тизимли бартараф этиш чораларини кўриш.

47. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорига риоя этилиши, меҳнатга ҳақ тўлаш тизимлари касаба уюшмаси қўмиталари билан келишувга биноан белгиланиши, иш ҳақидан қонунчиликда кўзда тутилмаган ушлаб қолишларга йўл қўйилмаслиги устидан давлат ва жамоатчилик назоратини ўрнатиш.

48. Иш берувчи томонидан иш ҳақини ва бошқа тўловларни тўлаш муддати бузилган тақдирда, уларни тўлов муддатидан кейинги кундан эътиборан то ҳақиқатда ҳисоб-китоб қилинган кунни ўз ичига олган муддатгача ҳар бир кечик-



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

маларига оладилар:

18. Ходимларнинг меҳнат ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишда тегишли касаба уюшмалари ҳамда Ўзбекистон Иш берувчилари Конфедерациясининг иштирокини таъминлаш.

19. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига дахлдор бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар лойиҳаларини тегишли касаба уюшмаси ёки касаба уюшмалари бирлашмаси билан келишиш ишларини қатъий таъминлаш (Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги Қонунининг 28-моддаси).

20. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигини амалиётда қўллаш борасида қуйидагиларни биргаликда амалга ошириш:

меҳнат соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки янги нормаларни қабул қилиш бўйича таклифлар киритиш;

Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

таълим муассасалари битирувчиларига меҳнат муносабатлари соҳасида қўшимча имтиёзлар ўрнатиш;

хотин-қизларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш;

хотин-қизлар учун саёҳатлар ташкил этиб бориш;

хўжалик ҳисобидаги ташкилотларда узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар харид қилиш, уй-жой қуриш, шунингдек, сафарбарлик чақируви захирасида хизматни ўташга ҳақ тўлаш учун ёш ходимларга фоизсиз ссудалар бериш.

122. «Касаба уюшмалари – аёллар манфаати йўлида» шиори асосида хотин-қизлар меҳнатини муҳофаза қилиш бўйича янги тизимни жорий этиш, унда меҳнат бозорида хотин-қизлар учун тенг имкониятлар яратиш, уларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга кўмаклашиш бўйича янги ёндашувларни жорий этиш, қишлоқ жойларида аёллар бандлиги ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини янада кенгайтиришни назарда тутиш.

123. Меҳнат жамоаларидаги гендер аудит натижаларини муҳокама қилиб, иш берувчилар билан биргаликда хотин-қизларга янада қулай меҳнат



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

оммавий ва спорт тадбирларини ҳамкорликда ўтказиш.

107. Даволаниш ва дам олиш учун замонавий шароитлар яратиш, санаторийлар ва дам олиш уйлари, шунингдек, болалар соғломлаштириш оромгоҳларида ўринлар сонини кўпайтириш ҳамда уларни модернизация қилишга алоҳида эътибор қаратиш.

108. Ҳудудларда ҳар йили биттадан санаторий ва оромгоҳлар қуриш. Хусусан, Хоразм вилоятида 2026 йилда намунавий санаторий барпо этиб, «Хоразм» тажрибасини яратиш.

109. Ходимларга жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишлари учун етарли шароитлар яратиб бериш (спорт майдончалари ташкил этиш, махсус спорт хоналарини ажратиш), турли спорт секцияларига ва тўгаракларига жалб этиш, меҳнат жамоаларида ходимлар гимнастикасини жорий этиш ҳамда жисмоний тарбия жамоалари фаолиятини йўлга қўйиш.

110. Жамоа шартномаси ва келишувларида назарда тутилган маданий-маърифий ишлар, жисмоний тарбия ва спортни оммалаштириш, ички туризмни ривожлантириш, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларини соғлом-



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

гини ошириш.

31. Давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган хўжалик жамиятларининг инсон ресурслари билан ишлашга масъул таркибий тузилмаларининг раҳбар ва ходимларини ҳар уч йилда камида бир марта меҳнат муносабатларини ташкил этиш бўйича малакасини ошириб бориш.

32. Халқаро меҳнат стандартларининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб қилиш, уларнинг ташкилотларда ижроси юзасидан биргаликда мониторинг ўрнатиш.

33. Давлат ва касаба уюшмалари меҳнат инспекцияларининг тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг ҳамкорликда ишлашини таъминлаш.

34. Сунъий интеллект технологияларига оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, соҳада стандартлар лойиҳалари ишлаб чиқилишида таклифларни биргаликда ишлаб чиқиш, такомиллаштириш ва халқаро ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш.

35. Сунъий интеллект технологияларини жорий этган иш берувчиларда қисқартиришга тушган ходимларни замонавий соҳа ва мутахассисликларга қайта ўқитиш чораларини кўриш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳа-



ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ

берилган қонуний ваколатларни қўллаган ҳолда бажарилишини таъминлашда кўмаклашиш.

27. Агарда қонунларда бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, ташкилотларда касаба уюшмаси қўмитаси мавжуд бўлган барча ҳолларда ходим билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишни шу қўмита билан келишиб олиш.

28. Маълум бир соҳада ходимларни оммавий равишда ишдан озод этиш эҳтимоли тўғрисида камида икки ой олдин тегишли тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгашига ахборот тақдим этиш ва ишдан озод этиш оқибатларини енгиллаштиришга қаратилган маслаҳатли ишларни амалга ошириш.

29. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат сиёсати ва бошқаруви академияси, Меҳнат ва ижтимоий муносабатлар академияси, шунингдек, малака ошириш бўйича барча таълим муассасалари ўқув дастурларига «Халқаро ва миллий меҳнат стандартлари» мавзусида таълим курсларини киритиш ишларини давом эттириш.

30. Ходимлар, иш берувчилар, республика ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг меҳнат қонунчилиги бўйича ҳуқуқий саводхонли-



БУКЛАШ ЧИЗИҒИ

лаштириш ҳамда бошқа мақсадлар учун иш берувчи ҳисобидан маблағлар ажратиш.

111. Ҳар йили ишловчи кам таъминланган ва кўп болали оилалар аъзолари, Чернобиль АЭСдаги фалокатни бартараф этиш иштирокчилари, байналмилалчи жангчилар, ишлаётган меҳнат фахрийлари ва ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда Ватан олдида хизматлари мавжуд шахсларнинг маълум миқдорини касаба уюшмалари тизимидаги санаторийларда бепул соғломлаштиришни кўзда тутиш.

112. Ёз мавсумида болаларнинг болалар соғломлаштириш оромгоҳларида дам олиши ва соғломлаштирилишини ташкил этишга қаратилган тизимли чора-тадбирларни амалга ошириб бориш.

113. Болалар соғломлаштириш оромгоҳларида «Меҳрибонлик» уйлари тарбияланувчилари, шунингдек, республиканинг экология жиҳатдан ноқулай минтақаларида истиқомат қилувчи болалар соғломлаштирилишига доимий равишда кўмаклашиш.

114. Иш берувчиларга ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини ҳар йили маданий дам олдириш ва соғломлаштиришларини ҳамда «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасидаги саёҳатлари учун шароит яратишларини тавсия этиш.

Табиат қонунларига бўйсунмаган инсон энг аҳмоқ одамдир.
Эпиктет

Жамоат транспорти

## Автобуслардаги янги тартиб:

# БИР ЙИЛДА НИМА ЎЗГАРДИ?

**Кейинги йилларда пойтахтимизда жамоат транспортини ривожлантириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди. Автобуслар парки икки баробарга кенгайтирилиб, қатнов интервали 30 дақиқадан 15 дақиқага қисқарди. Бундай ислоҳотлар натижасида автобуслардан фойдаланувчилар сони бир кунда 1,4 миллион нафарга етди.**

Соҳада жорий этилган муҳим янгиликлардан бири шу бўлдики, 2025 йил 1 январдан бошлаб йўлкирани нақд пул шаклида тўлаш амалиёти бекор қилинди. Янги тартиб жорий этилганига ҳам бир йил бўлди. Хўш, шу бир йилда қандай натижаларга эришилди?

– 2025 йил бошидан йўл ҳақи тўловида шаффофлик ва тушумлар тўлиқлигини таъминлаш, ҳайдовчининг молиявий боғлиқлигини камайтириш ва хавфсизликни ошириш мақсадида йўлкирани нақд пул шаклида тўлаш амалиёти бекор қилинди, – дейди Транспорт вазирлиги матбуот котиби Наврўз Ашурматов. – Янги тартиб асосида бир қатор ижобий ўзгаришларга эришилди. Жумладан, жамоат транспортида содир этилган қоидабузарликлар икки баробарга қисқарди. Бундан ташқари, илгари ҳайдовчилар кўпроқ йўловчи йиғиш мақсадида бекатларда узоқ муддат тўхтаб қолишар ва натижада оралиқ интервал бузилар эди. Баъзан ҳайдовчилар йўловчи талашиб ва уларнинг ҳаётини хавф остига қўйиб, йўлда ўзаро пойга ўйнашарди ҳам. Бу ҳолатлар ҳозир тўлиқ бартараф этилди. Қолаверса, соҳада яширин иқтисодиётнинг олди олинди.




Суҳбатдошимизнинг айтишича, 2025 йил январь-сентябрь ойларида жами 298,5 млн. нафар йўловчи ташилган ва бу кўрсаткич 2024 йилнинг шу даврига нисбатан 68,2 млн. нафарга ёки 29,6 фоизга ошган. Йўловчиларни ташишдан олинган тушум эса 467,2 млрд. сўмни ташкил этган ва бу 2024 йилнинг мос даврига нисбатан 74,2 млрд. сўмга ёки 18,9 фоизга кўпдир. Бундан ташқари, электрон тўловлар улуши кескин ошиб, 99,9 фоизни ташкил этган. 2024 йил сентябрь ойида электрон тўловлар улуши бор-йўғи 57,9 фоиз бўлган.

– Бугунги кунда «Тошкент шаҳар йўловчи ташишни мониторинг ва назорат қилиш» давлат муассасасида 41 нафар назоратчи фаолият олиб бормоқда, – дея сўзда давом этди Наврўз Ашурматов. – Улар Транспорт назорати инспекцияси ходимлари билан ҳамкорликда жамоат транспортида йўл ҳақини тўламасдан ҳаракатланаётган йўловчиларни аниқлаш бўйича кучайтирилган назорат тадбирларини мунтазам ўтказишмоқда. Жорий йилнинг январь-ноябрь ойлари давомида инспекторлар томонидан 19632 та қоидабузарлик ҳолатлари аниқланиб, улар бўйича «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодекснинг тегишли моддаларига асосан баённомалар расмийлаштирилди. Бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш мақсадида шу йилнинг октябрь ойидан бошлаб назорат бўйича масъул ходимлар планшет билан таъминланди. Энди улар йўл ҳақини тўламасдан ҳаракатланаётган йўловчиларга нисбатан мустақил равишда маъмурий баённомалар тузишмоқда.

Дарвоқе, Ўзбекистон Республикасининг «Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексининг 144-моддасига асосан, шаҳар ичида ва шаҳар атрофига қатнайдиган автобусда чиптасиз юриш базавий ҳисоблаш миқдорининг ўндан бир қисми миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. Яъни, маъмурий баённома расмийлаштирилгандан сўнг, фуқаро 41200 сўм жарима тўлайди.

Йўл ҳақининг ўз вақтида тўланиши жамоат транспорти инфратузилмасининг ривожланишига хизмат қилади. Бу эса, жамоат транспортининг барқарор ишлаши, уни янгилаш ва аҳоли учун хавфсиз ҳамда қулай муҳит яратиш имконини беради.

**Фаридун ЙЎЛДОШЕВ,**
*журналист*

Касаба уюшмаси аралашгач...

**– Турмуш ўртоғим ишсиз, оилада ҳозирча ягона боқувчи ўзим, – дейди нукуслик Бибигул Гелдиева (исм-шарифи ўзгартирилди). – Нукус давлат педагогика институтини педагогика ва психология мутахассислиги бўйича тамомлагач, дастлаб 23-мактабда ўқитувчилик қилдим. 2019 йилда Нукус Олимпия ва паралимпия спорт турларига тайёрлаш марказида декретга чиққан ходим ўрнида ишладим. Ўзганинг ўрни эмасми, бир ярим йилдан сўнг ишсиз қолдим.**

# ЕТТИ ОЙГА ЧЎЗИЛГАН АДОЛАТ

Ишсизликдан қийналган Б.Гелдиева иш топиш илинжида турли жойларга бош суқади ва ниҳоят, Нукусдаги спорт мактабларидан бирига 0,5 штат бўйича психолог бўлиб ишга жойлашади. Кейинроқ эса, яна бошқа бир спорт мактабига тўлиқ штатга ишга қабул қилинади.

2025 йил февраль ойи охирида унга қисқартишга тушгани айтилади. Бу хабар у учун қаттиқ зарба бўлди. Чунки бир тарафда кредит тўлови, бир тарафда эса, уй-рўзғор, бола-чақа ташвиши. Энг қизиғи, қисқартишга оид ҳеч қандай расмий огоҳлантириш берилмайди. Январь ва февраль ойлари учун олинган маош компенсация ўрнида ҳисобланиб, март ойидан ишдан бўшаш тайинланади. Албатта, бу ҳолатдан норози бўлган Б.Гелдиева Халқ қабулхонасига, Адлия органларига мурожаат қилади.

Ишсизлик, сиқилиш ва ночорлик соғлиғига жиддий таъсир қилган мурожаатчи мактаб маъмуриятига учрашиб, ҳатто фаррош бўлиб ишлашга розилигини айтади. Ваъда берилади, аммо амалга ошмайди. Аксинча, бетоб бўлишига қарамай, май ойида ишга чақирилиб, қўлига ишдан бўшатиш ҳақидаги буйруқ ва меҳнат дафтарчаси тутқазилади. Шундан сўнг, яна мурожаат қилишлар давом этади.

Ва ниҳоят, 2025 йил 8 август куни бўлиб ўтган судда унинг ҳуқуқлари ҳимоя қилиниб, ишга тикланиш, шунингдек, бўш юрган кунлари учун тўлов ундириш белгиланади. Аммо суд қарори ижросини таъминлаш жараёнида турли босимлар бўлиб, Мажбурий ижро бюроси томонидан фақат пул масаласи ҳал этилади. Ишга тикланиш эса чўзилади...

Бу даврда соғлиғи янада ёмонлашган Б.Гелдиева прокуратура ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгашига мурожаат қилади. У 2025 йил 29 ноябрдан ўз лавозимига қайта тикланади.

Шундай қилиб, қарийб етти ойлик оворагарчиликлардан сўнг адолат қарор топди.

**Фотима АБДУРАИМОВА**
*«ISHONCH»*

Шарҳ

# ЭНДИ ФРОНТЛАР КЕРАК ЭМАС(ми?)

## *ёхуд дунёнинг парчаланган қутблари ҳақида мулоҳазалар*

**Янги йилнинг илк кунларида бир суверен давлатнинг амалдаги президенти кишанланган ҳолда, чет эл махсус бўлинмалари томонидан ўз мамлакатидан ташқарига олиб чиқиб кетилди. Ваҳоланки, уруш эълон қилинмади, Халқаро суднинг қарори ҳам чиқмади. Авваллари буни тасаввур ҳам қилиб бўлмасди. Аммо энди мумкин.**

Ана шундай бир вазиятда тарих шахсга эмас, ҳолатга эътибор қаратади. Яъни унинг саҳифаларига Николас Мадуро исмидан кўра кўпроқ у билан боғлиқ бўлмаган, анча чуқурроқ ва кенгроқ маънога эга фактлар муҳрланади. Мадуронинг тақдири эса глобал ўзгаришлар ичидаги бир эпизод, сиёсий жараёнлар оқимидаги хусусий ҳолат, холос. Асосийси шуки, халқаро муносабатлар тизимида узоқ йиллар амал қилиб келган битта сиёсий тақиқ ўз кучини йўқотди.

Мазкур тақиқ ҳеч бир низомларда ёзилмаган, резолюцияларда аниқ белгилаб қўйилмаган, аксинча, сиёсий инстинкт сифатида яшаб келаётган эди. Давлат раҳбарларини қўлга олиш, уларни мамлакатдан куч билан олиб чиқиб кетиш мумкин эмаслигини эслатувчи маданий чеклов эди у. Бу чеклов тамаддуний одат, глобал элиталар ўртасидаги ёзилмаган келишув, тизимни барқарор сақлаб турган ноаниқ, аммо кучли тўсиқ вазифасини ўтарди.

Ана шу инстинкт энди йўқ. Ва бу ҳолат хавфи қайсидир давлат ёки қайсидир раҳбар тақдири билан ўлчанмайди. Бу халқаро тизим посангисини меъёрга солиб турган мезонлардан бири ишдан чиқди дегани. Чекловлар олиб ташланганда эса қоидалар ҳам шартли тус олади.

Венесуэла билан боғлиқ воқеа тараққиёт ўзанини бошқа йўналишга буриб юборса, ажабланмаймиз. Деярли шовқин-суронсиз кечган бурилиш оқибатлари узоқ ва оғир бўлиши мумкин. Чунки тарихда энг хавфли ўзгаришлар айнан шундай – деярли сезилмайди, кундалик воқеа каби оддий туюлган қарорлар орқали содир бўлади.

Яқин-яқингача президент – давлат рамзи, институционал, ҳатто шартли бўлса-да, халқаро тартибнинг маълум даражадаги ҳимояси билан кафолатланган шахс эди. Унга нисбатан зўравонлик нафақат сиёсий, балки маънавий ва цивилизацион чеклов сифатида ҳам қабул қилинарди. Бугун мана шу янглиш тасаввурлар пардаси йиртилди: агар у яккаланиб қолса, иттифоқчиларидан маҳрум бўлса, ички таянчлар емирилса, уни қўлга олиш, олиб чиқиб кетиш, ҳатто йўқ қилиш ҳам мумкин экан.

Ана шу ўринда дунё ўта муҳим, хавфли чизиқдан ўтди. Ҳокимият шакл, рамз ёки институтдан кўра, кўпроқ тўғридан-тўғри куч ишлатиш объекти сифатида кўрила бошланди. Давлат тепасида турган шахс энди дахлсиз эмас – у оператив мақсад, нуқтавий нишон, тактик объектга айланди. Бу эса халқаро муносабатлар табиатининг тубдан ўзгараётганини англатади.

Албатта, тарихда етакчиларни зўравонлик йўли билан йўқ қилиш, қўлга олиш ёки ағдариш ҳолатлари бўлган. Панамада Мануэль Норьега ҳарбий интервенциядан кейин қўлга олинган. Саддам Ҳусайн – кенг кўламли босқин, узоқ давом этган уруш ва оккупациядан сўнг. Муаммар Қаддофий – фуқаролик уруши, давлатнинг парчаланиши ва ташқи аралашув гирдоби ичида ҳалок бўлган.

Бир қарашда, улар билан Каракасда содир бўлган воқеа ўртасида ўхшашлик бордек туюлиши мумкин. Аммо, аслида, бу ерда принципиал фарқ бор. Ўшанда давлатлар уруш орқали синдирилган эди. Фронтлар бор эди, босқин бор эди, расман эълон қилинган можаро бор эди. Давлат тизими аввал йиқилган, кейин унинг раҳбари йўқ қилинган ёки қўлга олинган.

Венесуэладаги вазиятда эса давлат четлаб ўтилмоқда. Зарба фронтсиз, расмий уруш эълон қилинмасдан тўғридан-тўғри тизим тепасига берилмоқда. Буни классик маънодаги уруш деб бўлмайди. Бу – ҳокимиятнинг янги технологияси. Давлат эмас, раҳбар нишонга олинади. Тизимга эмас, унинг марказига зарба берилади.

Сербия президенти Александр Вучич ушбу жараённи дипломатик эвфемизмлар ортига яширмасдан, очиқ айтди: энди халқаро ҳуқуқ ҳам, БМТ Устави ҳам амал қилмаяпти, дунёда кучлилар ҳуқуқи ҳукмрон.

Бу сўзларни эҳтиросли сиёсий демарш деб атасак, нотўғри бўлади. Вучич бугунги воқеликни овоз чиқариб айтди, холос.

1945 йилдан кейин барпо этилган дунё тартиби функционалликдан чиқди. Унинг институтлари ҳали ҳам мавжуд, аммо улар реал сиёсий динамикадан ортда қоляпти. Қарорлар тезлиги институтлар реакциясидан устун. Куч ҳуқуқий механизмларни ортда қолдирди. Бу ҳолат эса янада хавфли бир мантиқий хулосага олиб келади: агар институтлар қарор қабул қилиш жараёнидан чиқарилса, дунё тартиботи йўқолиб, имкониятлар йиғиндисига айланади. Қачон, қаерда ва кимга нисбатан куч қўллаш мумкинлиги эндиликда қоида эмас, шароит масаласига айланади. Ана шу ерда халқаро тизим ўзининг энг заиф нуқтасини намоён эта бошлайди.

Амалиётнинг расмий изоҳи наркотерроризмга қарши кураш деган ибора билан хаспўшланди. Бу – омма учун қулай, ахлоқий жиҳатдан баҳсга ўрин қолдирмайдиган тушунтириш. Аммо шу нарсани унутмаслик керакки, геосиёсат деярли ҳеч қачон ахлоқий категориялар билан ҳаракатланмайди. Аксинча, ресурслар, логистика йўналишлари ва назорат нуқталари билан ишлайди. Геосиёсатда «яхши» ёки «ёмон» деган тушунчалардан кўра «ким назорат қиляпти» ва «қандай қилиб» деган саволлар ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу маънода Венесуэла билан боғлиқ масаланинг режимга ҳам, мафкурага ҳам дахли йўқ. У, энг аввало, дунёдаги энг йирик нефть захиралари бор мамлакат. Ушбу масала ҳақида гап кетганда, сиёсий баҳслар иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлиб қолади. Венесуэла энергетик келажак устидан назорат, глобал нархлар динамикасига таъсир кўрсатиш имконияти, бошқа давлатларнинг иқтисодий барқарорлигига босим ўтказиш механизми ҳамдир. XXI асрда нефть оддий хомашёдан юксакроқ мақомга чиқди. У – ҳокимият тили. У билан гаплашилади, у билан мажбур қилинади, у орқали дунёдаги сиёсий мувозанат қайта қурилади.

Николас Мадурони қўлга олиш амалиётидан сўнг АҚШ Давлат котиби Марко Рубио Вашингтон Венесуэланинг бошқа давлатлар учун таъсир марказига айланишига йўл қўймаслигини билдирди.

«Биз Венесуэланинг Эрон, Россия, «Ҳизбуллоҳ» ҳаракати, Хитой ёки Куба махсус хизматлари учун операцион марказга айланишига йўл қўя олмаймиз. Бу тўхтатилиши шарт», деди Рубио NBC телеканали эфирида.



У ўз чиқишида нефть соҳаси устидан назорат масаласига алоҳида эътибор қаратди. Рубио АҚШ Венесуэла нефтига қарам эмаслигини таъкидлар экан, ушбу соҳанинг Америкага қарши кучлар томонидан бошқарилишига йўл қўйилмаслигини ҳам билдирди. Шунингдек, у Хитой, Россия ёки Эрон каби, бошқа қитъаларда жойлашган давлатларга Венесуэла нефти нима учун керак эканини тушунмаслигини ҳам қайд этди.

Шу нуқтаи назардан қараганда, Дональд Трамп Мадурони асирга олиш амалиётини «ажойиб» деб атар экан, ҳиссий баёнотлардан ташқарига чиқди. У барчага аниқ геосиёсий мужда йўллади. Каракасдаги воқеалардан бир кун ўтар-ўтмас, Вашингтонда Америка компаниялари Венесуэла нефть инфратузилмасига миллиардлаб инвестиция киритиши ҳақида сўз борди. Бу амалиётнинг тасодифий оқибати ҳам, кейин пайдо бўлган режа ҳам эмас. Бу – унинг ички моҳияти.

Мантиқий занжир оддий ва шафқатсиз: аввал куч қўлланади, кейин иқтисодий кириш амалга оширилади, ундан сўнг эса янги воқелик легаллаштирилади. Қонун-қоидалар кейинроқ қабул қилинади. Институтлар эса содир бўлган ҳолатга мослашиб олади.

Бироқ содир бўлган воқеани фақат империалистик тажовуз ёки геосиёсий авантюра сифатида талқин қилиб ҳам бўлмайди. Венесуэладаги амалиёт – синов. Бир давлат эмас, бутун дунё бошига тушган синов.

Бу ҳолатда АҚШ XXI асрдаги янги мажбурлаш моделининг меъмори сифатида ҳаракат қилди. Бу модель кенг кўламли уруш олиб бориш заруратини йўққа чиқарди. Фронтлар ҳам, узоқ оккупация ҳам шарт эмас. Бир нуқтага берилган зарба, тўғри танланган вақт ва глобал сукутнинг ўзи етарли. Қолганини иқтисод, корпоратив манфаатлар ва «янги нормаллик» тушунчаси бажаради.

Ана шу жиҳатдан Венесуэладаги воқеа XXI аср геосиёсий амалиётининг қоидаси сифатида аҳамиятлидир. Бу – янги даврнинг синов полигони. Ва бу синовда ким қандай жавоб бергани ҳам, ким жавоб бермагани ҳам диққат билан қайд этилмоқда.

Агар сиёсий пирамида чўққисини олиб ташлаб, кейин тизимнинг ўзи парчаланишини ёки янги шароитга мослашиб, қайта қурилишини кузатиш мумкин бўлса, нега қўшин киритиш керак? Бу саволда XXI асрдаги янги мажбурлаш модели яширин.

Дарҳақиқат, бугунги рақобат замонида баъзан фронтлар ва оккупация ортиқча: қарор қабул қилиш марказини издан чиқаришнинг ўзи кифоя. Шу маънода Каракас истиснодан кўра, репетицияни эслатиб юборяпти. Бу келажакда стратегик ресурсларга эга, ғарбнинг институционал архитектурасига тўлиқ киритилмаган, сиёсий қарорлари шахс орқали ишлайдиган, элиталар чарчоғи ва ички ишонч инқирозини бошдан кечираётган давлатлар билан масалалар қай тарзда ҳал этилишининг синов режими. Яъни бу ерда гап услуб ҳақида кетяпти. Қоидаларни эмас, механизмни кўряпмиз. Ва механизмнинг маъноси битта: давлатни босиб олишдан кўра, унинг бошқарув марказини иҳоталаш осонроқ.

Бу ерда яна бир жиҳат бор ва у жуда аҳамиятли. Агар Вашингтон Россия ҳам, Хитой ҳам кескинликни оширишга тайёр эканини билганида, ушбу амалиётга ботина олмасди. Айнан шу ҳал қилувчи нуқта. Чунки бу ҳолат – «беандишалик», «тасодиф» ёки «ҳиссий авантюра» ҳам эмас. Бу – совуқ ҳисоб-китоб. Қачон, қаерда уриш мумкин, ким норози бўлиб қолади, аммо амалда аралашмайди – ҳаммаси олдиндан ҳисоб-китоб қилинган.

Бугунги дунёни икки қутбли ҳам, классик маънодаги кўп қутбли ҳам дея олмаймиз. У парчаланган. Қутблар ноаниқ, иттифоқлар мўрт, «қизил чизиқ» тушунчаси эса кўп жойда декларатив тус олган. Ана шу парчаланиш шароитида АҚШ бошқалар ҳали хавф-хатарларни ҳисоблаб улгурмагунича тезроқ ҳаракат қилиш тамойили асосида иш юритмоқда. Ушбу тамойилни шундай ифодалаш мумкин: «муҳокамани бошлашдан олдин реалликни яратиб қўй!». Чунки кейинчалик музокара ҳам, ҳуқуқий баҳс ҳам, дипломатик реакция ҳам айнан шу реаллик ичида кечади.

Бу, ўз навбатида, келажак учун хавотирли манзарани яратади. Агар «пирамиданинг тепасини олиб ташлаш» модели муваффақиятли кечса, унинг бошқа минтақаларда ҳам, айниқса, стратегик ресурсларга эга (нефть, газ, камёб металлар, логистика йўлаклари); ташқи институтларга тўлиқ интеграция қилинмаганлик (санкция, изоляция, «мустақил йўл» риторикаси); ҳокимиятнинг шахсийлашгани (институтлар эмас, шахс ҳал қилади); элиталар чарчоғи ва ички бирдамликнинг сўниши (парда ортидаги тортишувлар, ишонч эрозияси) кўзга ташланаётган давлатларда қўлланиши эҳтимоли ортади. Хуллас, агар бир марта мумкин бўлса, иккинчи бор «прецедент»га, учинчи бор эса «технология»га айланади.

Шунда халқаро муносабатлар янги босқичга ўтади: давлатлар хавфсизлиги қўшин ёки ракеталар сонидан ташқари элиталар бирлиги, ички легитимлик ва ташқи кафолатларнинг ҳақиқий қиймати билан ҳам ўлчанади. Дунё эса тезликни сифат деб қабул қилган даврга киряпти: ким тез бўлса – ўша ҳақдек кўринади.

Содир бўлган воқеанинг асосий натижаси Каракас тақдири эмас. Асосий натижа яққол кўзга ташланиб турган прецедентдир. Дунё бунга кўникди. Ва энг муҳими – бунинг учун жазо механизми йўқлигини англади. Ана шу билим элиталарнинг хулқ-атворини ҳар қандай доктрина, декларация ёки узоқ муддатли стратегиялардан кўра тезроқ ва чуқурроқ ўзгартиради.

Биз элиталар қўрқуви даврига кириб келдик. Бу лавозим ҳимоя қилмайдиган, мақом кафолат бермайдиган даврдир. Ҳокимият доимий равишда куч ёки келишув орқали тасдиқланиб турилиши лозим бўлган ҳолатга айланмоқда.

Биз гувоҳи бўлиб турган либерал жаҳон тартиби бир кечада қулагани йўқ. У узоқ вақт давомида, босқичма-босқич Ироқда, Ливияда, Сурияда, Афғонистонда, Украинада емирилиб келди. Ҳар бир ҳолатда у кам-камдан нуфузини йўқотди, ҳар бир инқирозда бир поғона пастлади. Аммо айнан Каракасда у баҳсли гипотеза тушунчасидан очиқ-ойдин воқеликка айланган паллага етди.

Либерал тартиб қоидаларга, институтларга ва универсал меъёрларга бўлган ишончга таяниб келган эди. Унинг фалсафаси куч қонун билан чекланади, қонун эса кучдан устун туради, деган қоидага асосланарди. Бу тасаввур ўнлаб йиллар давомида халқаро муносабатларнинг асосий чегараси бўлиб хизмат қилди. Бугун эса ушбу мантиқ ишламай қўйди. Қонун кучни тийиб турмайди, балки уни қайд этади. Институтлар қарор қабул қилмайди, балки содир бўлган қарорларга мослашади.

Дунё Вестфалия сулҳидан олдинги воқеликка қайтмоқда. Бунда хавфсизлик ҳуқуқни бир четга суриб, ўзини ҳимоя қила олиш қобилияти билан таъминланади. Давлат барқарорлиги ташқи кафолатлар ўрнига элиталарни парчаланишдан сақлаб қолиш имконияти билан ўлчанади.

Бу тарихнинг эмас, хомхаёлларнинг охиридир. Дунё қаттиқ, ошкора сиёсат даврига кириб бормоқда. Бу даврда гуманизм ғоялари фақат минбарлардагина янграйди. Қарорлар эса ўтмишнинг ахлоқий конструкцияларига қараб ўтирмасдан, совуқ ҳисоб-китоб асосида қабул қилинади. Бу ерда ҳиссиёт эмас, хавф-хатарлар баланси ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бу дунёда энди абадий кафолатлар йўқ. Фақат мувозанат, қўрқув ва ҳисоб-китоб бор.

**Жаҳонгир НАҲАНОВ**
*«ISHONCH»*

Табиат ҳамма нарсани билади, қаерга қарама, ундан ўрганиш учун асос топилади.

Леонардо да Винчи

Таҳлил



# «Яшил макон»: ҒОЯДАН УМУММИЛЛИЙ ҲАРАКАТГА

**«Яшил макон» лойиҳаси фақат дарахт экиш билан чекланиб қолмайди. У, аввало, инсон онгида табиатга муносабатни ўзгартириш, тафаккурни шакллантириш, ҳар бир ҳудуд, ҳар бир маҳалла ва ҳар бир оилани экологик жараёнларга жалб этишни мақсад қилган. Шу маънода, лойиҳа қисқа вақт ичида умуммиллий ҳаракатга айланди.**

Маълумки, «Ўзбекистон – 2030» стратегиясида «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт экиш ва республикада яшиллик даражасини 2030 йилга қадар 30 фоизга етказиш белгиланган эди. Шундан келиб чиққан ҳолда, 2025 йили лойиҳа доирасида республика бўйича жами 266 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари экилди. Жумладан, баҳор мавсумида 137 миллион туп, куз мавсумида эса 129 миллион туп дарахт ва бута кўчатлари ўтқазилиб, яшиллик даражаси 14,3 фоизга етказилди. 10 мингга яқин маҳаллалар ҳудудлари ва аҳоли томорқалари атрофларига 48 миллион туп, атроф-муҳитга таъсир хавфи юқори бўлган 1 541 та саноат корхонаси атрофидаги 3 894 гектар майдонга 11 миллион туп дарахт ва бута кўчатларлари экилиши таъминланди.

Албатта, мазкур рақамлар замирида минглаб гектар яшил майдонлар, ҳавонинг тозаланиши, микроиқлим яхшиланиши, аҳолининг яшаш сифати ошиши каби кўплаб ижобий ўзгаришлар мужассамлашган. Айниқса, йирик саноат корхоналари атрофига 6,1 миллион туп кўчат ўтқазилиши ҳазилакам иш эмас. Зеро, саноат ҳудудларида ташкил этилган «яшил белбоғ»ларнинг ҳавога чиқариладиган зарарли моддалар таъсирини юмшатиш, чанг ва шовқин даражасини пасайтириш, ишчи-ходимлар ҳамда ўша жойдаги аҳоли саломатлигини муҳофаза қилишда аҳамияти беқиёсдир.

### ЎРМОНЧИЛИК СОҲАСИДА СИФАТ ЎЗГАРИШИ

Ортда қолган йил «Яшил макон» лойиҳаси доирасида ўрмончилик соҳасида ҳам туб бурилиш даври бўлди. Илгари мамлакатда ўрмон билан қопланган майдонлар улуши нисбатан паст бўлиб, чўлланиш жараёнлари айрим ҳудудларда кескин тус олганди. Шунинг учун ўрмонларни тиклаш ва кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, 2025 йил бошида ўрмон билан қопланган майдонларни 4,1 миллион гектарга етказиш режалаштирилган бўлса, амалда бу кўрсаткич 4,7 миллион гектарга етди. 150 минг гектардан ортиқ майдонда янги ўрмонлар барпо этилди ва эски ўрмонзорлар қайта тикланди.

Бу жараёнларда Оролбўйи минтақасига устувор аҳамият берилди. Орол денгизи қуришининг салбий оқибатларини юмшатиш мақсадида 2025 йилда жами 253 минг гектар майдонда, жумладан, 115 минг гектар Орол денгизининг қуриган туби ва 134,6 минг гектар Оролбўйи ҳудудларида «яшил қопламалар» – ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилди.

Чўлланишга қарши курашиш борасида сувсизликка чидамли, шўр ерларда ўса оладиган ва тузга, яъни галофит ўсимликларни илмий усулда етиштириш мақсадида Арнасой, Нукус, Қоракўл, Муборак ва Кармана туманларида жами 49 гектар майдонда галофит боғлари ташкил этилди.

Ушбу лойиҳалар Хитой чўлланишга қарши курашиш бўйича халқаро ҳамкорлик маркази ва Шинжон экология ва география институти билан ҳамкорликда Хитой тажрибаси асосида амалга оширилиб, 35 турдаги галофит ўсимликларининг 1,3 тонна уруғи ушбу давлатдан олиб келинди.

> ***Хитойлик олимлар билан биргаликда Қораўзак, Шофиркон, Конимех ўрмон хўжаликларида 3 та чўл ўсимликларининг уруғ ва кўчатчилик базаси ҳамда 10 та галофит ва ксерофит боғлари ташкил этиш ишлари бошланди. Дарахт экиш ишларининг самарадорлиги, аввало, сифатли кўчат ва ниҳол етиштиришга боғлиқ. 2025 йилда республика бўйлаб 1300 гектардан ортиқ майдонда кўчатхоналар ташкил этилди. Уларда 123 миллион дона ниҳол ва кўчат етиштирилди.***

Мутахассислар томонидан ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ўрганилиб, энг мос навлар танланди. Бу эса экилган дарахтларнинг илдиз отиши ва улар узоқ йиллар яшилликни сақлаб қолишини таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

### АҲОЛИ ИШТИРОКИСИЗ ЯШИЛ ИСЛОҲОТ БЎЛМАЙДИ

Сўнгги йилларда Ўзбекистон шаҳар ва қишлоқлари манзараси сезиларли даражада ўзгармоқда. Авваллари бетон ва чанг устун бўлган кўчалар бугун аста-секин яшил рангга бурканмоқда. Мактаблар, шифохоналар, маҳаллалар, йўл ёқаларида ниҳоллар бўй кўрсатмоқда. Энг қувонарлиси, одамларнинг табиатга муносабати ўзгармоқда.

Лойиҳанинг энг муҳим жиҳатларидан яна бири унда аҳолининг кенг иштироки таъминланганидир. Аниқроғи, лойиҳа давлат органлари ёки мутахассислар доирасида қолиб кетмади, балки маҳалла, оила ва ҳар бир фуқаро қамраб олинди.

«Менинг боғим» лойиҳаси доирасида жамоат боғлари ва яшил ҳудудлар ташкил этиш бўйича очиқ овоз бериш жараёнлари ўтказилди. Натижада 438 гектар майдонда боғ ва парклар барпо этиш бўйича қарорлар қабул қилинди. Бу аҳолининг экологик онгини ошириш, ўз яшаш муҳити учун масъулият ҳиссини кучайтиришга хизмат қилди. Шунингдек, маҳаллалар, таълим муассасалари, корхоналар ва ташкилотлар ўртасида «яшил ташаббуслар» кенг қўллаб-қувватланди. Кўплаб ҳудудларда дарахт экиш акциялари байрамона руҳда ўтказилиб, экологик маданиятни тарғиб қилиш бош йўналишга айланди.

Ўтган даврда «Яшил макон» лойиҳасини амалга оширишда институционалислоҳотлар ҳам муҳим аҳамият касб этди. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 30 майдаги фармонига мувофиқ, Ўрмон ва яшил ҳудудларни кўпайтириш, чўлланишга қарши курашиш агентлиги ташкил этилди. Унинг зиммасига лойиҳани ягона марказдан бошқариш, соҳадаги ишларни мувофиқлаштириш ва натижадорликни ошириш вазифалари юклатилди.

Самарқанд вилоятининг Булунғур, Фарғона вилоятининг Сўх туманлари ва Тошкент шаҳрида янги давлат ўрмон хўжаликлари ташкил этилиши ҳудудий ёндашув кучайганидан далолат беради. Натижада қишлоқ хўжалиги ерларининг маълум қисми ўрмон фондига ўтказилиб, яшил ҳудудларни кенгайтириш имконияти яратилмоқда.

### РАҚАМЛАШТИРИШ ВА ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

Экология соҳасида очиқлик ва шаффофликни таъминлаш мақсадида 2025 йилдан бошлаб, «Яшил макон» лойиҳаси доирасидаги барча жараёнлар босқичма-босқич рақамлаштирилди. Шундан буён электрон платформа орқали қайси ҳудудда қанча дарахт экилгани, уларнинг ҳолати, суғориш тизими, бюджет маблағларининг сарфи ҳақидаги маълумотлар очиқ эълон қилинмоқда. Бу жамоатчилик назоратини кучайтириш, масъулиятни ошириш ва коррупциявий ҳолатларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, рақамли технологиялар орқали дарахтларни парваришлаш, уларнинг касалланиши ва қуриши ҳолатларини эрта аниқлаш имконияти кенгаймоқда.

### 2026 ЙИЛ РЕЖАЛАРИ

2026 йил «Яшил макон» лойиҳаси учун янада кенг қамровли ва мақсадли бўлиши кутилмоқда. Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида экологик ислоҳотларга алоҳида урғу берди. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятларида жами 250 минг гектар майдонда, жумладан, Орол денгизининг қуриган тубидаги 115 минг гектар ерга дарахт ва буталар экиш режалаштирилди. Бу лойиҳалар чўлланишга қарши курашиш, чанг-тўзонларини камайтириш ва минтақавий иқлимни яхшилашга қаратилган.

Чанг бўронлари кўп кузатиладиган жойларда махсус «яшил ҳимоя ҳудудлари», чунончи, Сурхондарё вилоятида 10 минг гектар ерда «яшил макон», Сирдарё вилоятида эса 84 километрлик «яшил девор» барпо этилади. Ишончимиз комилки, ушбу лойиҳалар аҳоли саломатлиги, қишлоқ хўжалиги ва транспорт инфратузилмасини муҳофаза қилишда катта роль ўйнайди.

> ***Жорий йилда «яшил иқтисодиёт» тамойилларини амалиётга янада кенг жорий этиш режалаштирилмоқда. Ўрмон хўжаликларида экотуризмни ривожлантириш, доривор ва резавор ўсимликлар етиштириш, асаларичилик, биоёқилғи ишлаб чиқариш каби йўналишлар қўллаб-қувватланиши, шу тариқа экологияни муҳофаза қилиш билан бирга, аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш мақсад қилинди. Шунингдек, «Ақлли ўрмон» ва бошқа рақамли тизимлар орқали табиат ресурсларидан оқилона фойдаланиш, деградацияга учраган ерларни тиклаш ишлари янада тизимли йўлга қўйилади.***

### КАСАБА УЮШМАЛАРИ БОҒЛАРИ

2025 йил 17 октябрь куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев касаба уюшмалари фаоллари билан учрашувда касаба уюшмалари ҳаракатининг 120 йиллик юбилейи муносабати билан ҳар бир ҳудудда «Касаба уюшмалари боғлари»ни ташкил этишни таклиф қилди. Вилоят ҳокимларига касаба уюшмалари билан маслаҳатлашиб, боғлар учун ер ажратиш топширилди. Айни пайтда Тошкент, Сирдарё, Хоразм вилоятларида ана шундай боғлар ташкил этилган. Бошқа ҳудудларда ҳам шу мақсадда ишлар олиб борилябти. Бу касаба уюшмаларининг «Яшил макон» умуммиллий лойиҳасига муносиб ҳисса қўшаётганининг амалий ифодасидир.

### ТАФАККУР ЎЗГАРИШИ МЕВАЛАРИ

Аслида бир бола дарахтни синдирмай ёнидан ўтса, бир фуқаро чиқиндини кўчага эмас, белгиланган жойга ташласа, бир тадбиркор қурилиш чоғида яшил ҳудудни сақлаб қолса, мана шулар «Яшил макон» ғоясининг амалдаги ифодаси бўлади.

Умуман олганда, лойиҳа фақат дарахт экиш ҳаракати эмас. Бу – тафаккур ислоҳоти. Бугун экилган ниҳол эртага дарахтга айланади, аммо бугун шаклланган масъулият ҳисси бутун бир авлоднинг дунёқарашини белгилайди.

*Мухтасар айтганда, мамлакатимизда табиатга муносабат тубдан ўзгармоқда. Атроф-муҳитни асраш давлатнинггина эмас, ҳар бир фуқаронинг умумий ишига айланмоқда. Энди кўчат қадалгач, кейинги тақдири билан ҳеч кимнинг иши бўлмай аксари қуриб қоладиган ҳолатлар бўлмайди. Экилган ниҳоллар эса кун келиб, гўзал боғларга айланади...*

**Салим АБДУРАҲМОНОВ**
*«ISHONCH»*

Наботот олами

# ҒАРОЙИБ ВА МЎЪЖИЗАКОР КАШТАН

**Биология фанлари доктори, профессор, фан арбоби Ўктам Пратов (жойлари жаннатдан бўлсин) ҳар йили кузда қўлига кичик челак олиб, институтимиз (ЎзФА Ботаника институти) олдидаги каштан меваларини терар эди. У билан бу дарахт ҳақида кўп суҳбатлашардик.**

Бир куни «Каштан нима учун Хоразм ва Қорақалпоғистонда экилмайди?» деб сўраганимда, «Уларнинг иқлим шароити тўғри келмаса керак. Бундан ташқари, тупроғи шўрланган, ҳавоси иссиқ, жазирамада каштаннинг барглари қовжираб қолади», деган эди.

Каштаннинг 25 тури маълум бўлиб, улар Европа, Осиё ва Шимолий Америка қитъаларида ўсади. МДҲ давлатларида 13 тури иқлимлаштирилиб, парк ва истироҳат боғларида ўстирилади. Ўзбекистонда эса битта тури, яъни сохта каштан (аескулус хиппокаштанум) қадимдан ўстириб келинади.

Европада каштан 1576 йилдан бошлаб маданийлаштирилган. Бу дарахт Тошкент шаҳрига дастлаб 1883 йили келтирилган. Кексаларнинг айтишларича, ўша кезлар ўтқазилган кўчатлардан айримлари ҳамон шаҳримиздаги айрим кўчалар ва хиёбонларда сақланиб қолган экан.

Каштан узоқ яшайдиган дарахтлар тоифасига киради. Табиий шароитда 400-500, ҳатто 3000 йилдан ортиқроқ умр кўриши мумкин. Биология фанлари доктори, устозимиз Каримжон Тойжонов ҳаммуаллифликда ёзган «Ўзбекистон доривор ўсимликлари лотинча номларининг этимологик луғати» китобида сохта каштан дарахти ҳақида шундай маълумотларни келтиради: «Туркум номи эман мевасига нисбат, «escare» – емоқ, ҳайвонлар унинг мевасини истеъмол қилгани назарда тутилган. Тур номи «hippo» – катта, йирик деган маъноларни ҳам англатади. Каштан дарахтини дастлаб юнонлар Каштана шаҳрида экиб ўстиришган экан».

Каштан барглари панжасимон, мураккаб тузилишга эга бўлади. Узунлиги 15-20 см. Барглар сони бештадан тўққизтагача етади, четлари ўткир тишли, устки қисми туксиз, остки томонида фақат барг томирлари бўйлаб туклари бўлса, гуллаган вақтида инсонларни бефарқ қолдирмайди. Оқ ёки оч пушти рангли, пастки қисмида сариқ, кейинчалик эса пушти рангли доғлари бўлиб, гуллари йирик, чўзиқ, тик туради, узунлиги 20-30 см.га етадиган шингилсимон тўпгулларга ўрнашган. Апрель-май ойларида гуллайди. Куз фасли, яъни сентябрь-октябрь ойларида мафтункор гуллари ғаройиб меваларга айланади. Меваси пишиб етилганида сирти ўткир учли тиканлар билан қопланди. Меваси тўқ жигарранг, кўпинча бир, икки, уч уруғли бўлиб, битта каштан дарахти 120-140 кг. ҳосил беради. Сохта каштан шаҳарларда манзарали дарахт сифатида ўстирилади. У шифобахш хусусиятга ҳам эга. Хусусан, мевасидан тайёрланган экстракт (эскузан) қон томир хасталиги (тромбофлавит)ни даволашда қўлланилади. Тўғри ичак яллиғланишини (бавосил) даволашда таблетка ва шамча ҳолида ишлатилади. Эскузан каштан мевасининг сув-спиртли экстракти бўлиб, у веноз димланишида, ҳомиладорликда вена томирининг варикоз кенгайишида антигемостатик (қон кетишга қарши) препарат сифатида қўлланилади.

Сохта каштан баландлиги 25-30 метр, диаметри 1 метр келадиган ниҳоятда хушманзарали дарахт бўлиб, гуллаган вақтида атрофга хушбўй ифор таркатади. Асаларилар гулларидан бол йиғади.

Каштан фақат унумдор нам тупроқда яхши ўсади. Уруғидан ва қаламчасидан кўпайтириш мумкин. Ҳавонинг иссиқ ва қуруқ келиши унга ёмон таъсир кўрсатади. Ёзнинг ўрталарига бориб барглари куяди, сарғайиб қуриб қолади.

Ҳа, каштан жуда ғаройиб ва мўъжизакор дарахт!

**Марҳамат МАТВАФАЕВА**

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси жамоаси таниқли журналист, тадқиқотчи олим, касаба уюшмалари фидойиси, «Ishonch-Доверие» газетаси бўлим муҳаррири

**Григорий Николаевич Кляцкий**

вафот этгани муносабати билан унинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Андижон вилояти кенгаши жамоаси кенгаш раисининг ўринбосари Нодира Ҳусанбоевна Абдураҳмоновага волидаи муҳтарамаси

**Ҳабибахон она Воҳидова**

вафот этгани муносабати билан таъзия изҳор этади.




**MUASSIS:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay'ati:

**Qudratilla RAFIQOV**
*(tahrir hay'ati raisi),*
Ulug'bek JALMENOV, Anvar ABDUMUXTOROV, Sayfullo AHMEDOV, Akmal SAIDOV, Ravshan BEDILOV, Qutlimurot SOBIROV, Suhrob RAFIQOV, Shoqosim SHOISLOMOV, Hamidulla PIRIMQULOV, Nodira G'OYIBNAZAROVA, Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o'rinbosari),* Mehriddin SHUKUROV *(Mas'ul kotib – «Ishonch»),* Valentina MARSENYAK *(Mas'ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – **(71) 256-64-69**
Huquq va xalqaro hayot – **(71) 256-52-89**
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport – **(71) 256-82-79**
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – **(71) 256-85-43**
Marketing va obuna – **(71) 256-87-73**

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog'iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-99) 889-90-31
**Navoiy viloyati –** (+998-90) 500-05-12
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-93) 213-09-66
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg'ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-97) 705-08-93

**Navbatchi muharrir:**
Alijon ABDURAHMONOV

**Musahhihlar:**
Dilorom XUDOYBERGANOVA,
Umida XUDOYBERGANOVA

**Sahifalovchi:**
Hasan ABDUJALILOV

**Bosishga topshirish vaqti –** 23:10
**Topshirildi –** 23:30

**Bahosi kelishilgan narxda**

Gazeta haftaning **seshanba, payshanba va shanba** kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko'chasi, 24-uy.
**E-mail:**
ishonch1991@yandex.uz

Nashr ko'rsatkichi: **133**

**Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga bosmaxona mas'ul. Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar.**

**Umumiy adadi 35 382 та**

**Shundan: 6 788 nusxasi**
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi –
**Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uyda;**

**19 415 nusxasi**
«Erudit» MCHJ bosmaxonasi –
**Samarqand shahri, Spitamen ko'chasi, 270-uyda;**

**9 179 nusxasi**
«Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi –
**Marg'ilon shahri, Turkiston ko'chasi, 236-«b» uyda chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 4 bosma taboq. **Buyurtma 019**

1 2 3 4 5 6